Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 124 (5715).
31 МАЙ 1985 й.
ЖУМА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

КПСС XXVII СЪЕЗДИГА— 27 ЗАРБДОР ЎН КУНЛИК

● ВАТАНПАРВАРЛИК ТАШАББУСИ КЕНГ ҚУЛОЧ ЁЙМОҚДА

ВЕТЕРАН



«Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмасида кўплаб меҳнат ветеранлари ишлашади. Шулардан бири — С. Охунжоновнинг меҳнат қила бошлаганига қирқ йилдан ошди. Ана шу вақт ичида у бой ишлаб чиқариш тажрибасига эга бўлди, ишчиларга раҳбарлик қилиш кўникмасини ҳосил қилди. Ҳозир у катта мастер бўлиб ишлайди. Токарлик автоматлари участкасига бошчилик қилади. Мазкур коллектив смена топшириқларини мунтазам ортиғи билан адо этиб келаяпти. Катта мастернинг ўзи эса фидокорона меҳнати учун «Ҳурмат белгиси» орденига сазовор бўлган.

Бирлашманинг барча ишчилари қатори станокчилар ҳам республикамиз ва Тошкент шаҳри ишлаб чиқариш илғорларининг «КПСС XXVII съездига — 27 зарбдор ўн кунлик» шиори остида мусобақа ўтказиш ҳақидаги ташаббусини қизғин қўллаб-қувватладилар. Ҳар бир ишчи КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш учун ўз зиммасига оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилди. Станокчилар юксак аҳдга вафо қилиш учун шу кунларда тўла сафарбарлик билан меҳнат қилишмоқда.

СУРАТДА: катта мастер С. Охунжонов.

РЕЗЕРВЛАРДАН ТЎЛАРОҚ ФОЙДАЛАНАЙЛИК

ПАРТИЯ КОМИТЕТЛАРИ КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ АПРЕЛЬ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛМОҚДАЛАР

Ўзбекистон Компартияси Киров ва Чилонзор районлари комитетлари пленумларидаги докладда ва нотиқларнинг сўзларида ана шу даъват асосий ўрин тутди.

Бугунги кунда партия ташкилотлари бригада пудратини, хўжалик ҳисоби асосидаги ишлаб чиқариш муносабатларини муваффақиятли жорий этиш, иш вақтидан оқилона фойдаланиш, иш жойларини аттестация қилиш бўйича кўп иш қилмоқдалар.

Пленумларнинг қатнашчилари қилинган ишларга юксак талабчанлик билан холисона ёндошиб, КПСС Марказий Комитети апрель (1985 йил) Пленуми позициясидан туриб КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш бўйича олдинда турган вазифаларни ҳал этишнинг йўлларини белгиладилар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан маъқулланган ўн саккиз ишлаб чиқариш илғорининг ташаббуси кенг қулоч ёзди. Район партия комитетларининг пленумлари барча партия ташкилотларига бу ташаббусни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни тавсия этди.

Чилонзор район партия комитети пленуми ишида Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг иккинчи секретари К. П. Дудин қатнашди ва нутқ сўзлади.

ДЎСТЛИК ВА ҚАРДОШЛИК БАЙРАМИ

СССРДА ВСР МАДАНИЯТИ КУНЛАРИНИНГ ЁПИЛИШИ

ВСР ташкил этилганлигининг 40 йиллигига бағишлаб, СССРда ўтказилган Вьетнам Социалистик Республикаси маданияти кунлари совет халқи билан Вьетнам халқи ўртасидаги дўстлик ва қардошликнинг чинакам байрами бўлиб қолди. Москвада бошланган бу байрам мамлакатдаги кўпгина шаҳарларда ҳам ўтди. Байрамда артистлар, ёзувчилар, рассомлар, санъат барча турлари ва жанрларининг вакиллари иштирок этдилар.

30 май куни Тошкентда, Алишер Навоий номли Ўзбекистон ССР Давлат академик катта театрида бўлиб ўтган кеча СССРда ВСР маданияти кунларининг тантанали ёпилишига бағишланди. Ўзбекистон ССР маданият министри З. Р. Раҳимбобоева меҳмонларга табрик сўзи билан мурожаат қилди.

ВСР делегациясининг бошлиғи Вьетнам маданият министрининг ўринбосари Динь Куанг жавоб нутқида Вьетнам санъати вакиллари ҳамма жойда шодиёна ва меҳмондўстлик билан кутиб олинганликлари учун қизғин миннатдорчилик изҳор этди. Бу кунлар, деди у, биз учун байрамгина эмас, шу билан бирга янги, социалистик жамият маданиятини бунёд этиш соҳасида Совет Иттифоқидаги дўстларимизнинг тажрибасини ўрганиш мактаби, сабоғи ҳам бўлиб қолди. Биз мана шу маданий қурилишда улуғ Ленин васиятларига амал қилмоқдамиз, деб таъкидлади Динь Куанг. У СССРда биринчи марта шу қадар кенг кўламда ўтказилаётган Вьетнам маданиятининг ҳозирги байрами совет ва Вьетнам халқларининг ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга қўшилган муҳим ҳисса бўлиб қолажагини қайд этди.

До Хоанг Куаннинг «Вьетнам рапсодияси»ни ижро этиш билан якунловчи концерт бошланди. ВСР социалистик санъати асосчиларидан бири бўлган композиторнинг асарини Ўзбекистон ССР Давлат академик катта театрининг симфоник оркестри автор раҳбарлигида ижро этди. Сўнгра у дирижерлик таёқчасини ўз ватандоши — совет музика мактабида таълим олган Чонг Бангга топширди.

Якунловчи концерт программасига рус, совет, вьетнам классикларининг асарлари, халқ куйлари ва рақслари киритилган эди. Машҳур саҳна усталари билан бирга ёш артистлар — Хошимин шаҳри цирки болалар группасининг қатнашчилари ҳам ўз маҳоратларини намойиш қилдилар.

Вьетнам санъатининг ёрқин, кўркам байрами ниҳоясига етди. Икки қардош мамлакат коммунистларининг партиялари маданият ва санъат воситалари билан совет ва вьетнам халқларининг бир-бирига тобора яқинлашувига кўмаклашиш борасида ўртага қўйган вазифани ҳал этишда яна бир муҳим қадам қўйилди. Яна учрашгунча хайр, азиз дўстлар!

СССРда ВСР маданияти кунларининг тантанали ёпилиш маросимида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. У. Султонова иштирок этди.

(ЎзТАГ).

ҚАРДОШЛАР АРМУҒОНИ

Пойтахтимиз жамоатчилиги СССР халқлари дўстлиги музейи залларида намойиш этилган вьетнам китоблари кўргазмаси билан қизиқиб танишдилар. Айниқса вьетнам тилида чоп этилган совет китоблари кўпчилик диққатини жалб этди. Биринчи навбатда В. И. Ленин асарларининг 55 томлиги —вьетнам ва совет китоб нашриётчилиги ва матбуот соҳасида олиб борилаётган ҳамкорликнинг ёрқин самарасидир.

Тошкентда вьетнам студентлари таълим олаётган В. И. Ленин номидаги Давлат университети студентлари, профессор ва ўқитувчилари кўргазманинг экспонатлари —минг нусха атрофида китоб университет факультетлари ва кутубхонасига совға этиб топширилиши ҳақидаги хабарни мамнунлик билан кутиб олдилар.

— Университетга армуғон этиб топширилаётган китоблар қардошларча ҳамкорлигимиз, халқларимиз дўстлигининг яна бир ёрқин далилидир. — дейди шарқшунослик институти катта илмий ходими, филология фанлари кандидати Ле Винь Куок.

Р. ИГНАТОВА.

● ПОЙТАХТ ҚУРИЛИШЛАРИДА

ИЛҒОР УСУЛ АСОСИДА

Тошкент шаҳар қурилиш Бош бошқармасига қарашли 4-трестнинг 18-қурилиш бошқармасида баракали меҳнат қилиб келаётган Владимир Мехов бошлиқ комплекслашган коммунистик меҳнат бригадаси коллективи хўжалик ҳисоби методи асосида ишлаб, ажойиб меҳнат зафарларини қўлга киритиб келмоқда. Коллектив ҳар ойда меҳнат унумдорлигини 2—3 процент юксалтиришга, иш сифатини яхшилашга, қурилиш материалларини тежаб қолишга эришмоқда.

БУГУН

қурувчилар Луначарское шоссесида бунёд этилаётган тўққиз қаватли ётоқхона қурилишида девор панелларини монтаж қилиш ишларини ниҳоясига етказадилар.

Бригада «КПСС XXVII съезди шарафига — 27 зарбдор ҳафта» шиори остида меҳнат қилмоқда. Коммунистлар анжуманни шарафига юксак социалистик мажбурият олган қурувчилар бу шонли воқеага қадар 1986 йилнинг биринчи квартал планини бажариш учун курашмоқдалар. Шунингдек, съезд шарафига социалистик мусобақани қизитиб юборган қурувчилар стахановчилик ҳаракатининг 50 йиллигини ҳам меҳнатда муносиб кутиб олиш учун аҳд қилганлар. Улар бу юбилейга қадар ўн биринчи беш йиллик топшириғини бажарадилар.

М. ФЕЛЬДМАН.

● Тошкент—янгича анъаналар шаҳри

Мелиораторлар кунига бағишланади

Бугун Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида Мелираторлар кунига бағишланган тантаналар бўлиб ўтади. Ушбу касб байрами ўн йил муқаддам таъсис этилган эди. Ҳозир у яхши анъана бўлиб қолган. Бу байрамга республикамиз бош виставкасида катта тараддуд кўрилди.

Янги «Ирригация ва мелиорация» павильонининг экспонатлари томошабинларни сув хўжалиги қурилишидаги ютуқлар, чўлқуварлар илғор иш тажрибаси билан таништиради. Байрам меҳмонлари орасида оддий меҳнатчилар— экскаваторчилар, бульдозерчилар, дренаж ётқизувчилар, мелиорация ва ирригацияни ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшаётган қурувчилар, техниклар, инженер ва олимлар бор.

Касб байрами вақтида уруш ва меҳнат ветеранлари билан учрашувлар бўлади. Ҳужжатли кино экрани мелираторларнинг муваффақиятлари ҳақида ҳикоя қилади.

Байрам қатнашчиларига концерт қўйиб берилади, маданий-маиший хизмат кўрсатилади.

● Умри боқий дўстлик

«ТИНЧЛИК МАРШИ»

Тошкент Давлат медицина институтининг санитария-гигиена факультети студентларининг Бутуниттифоқ «Тинчлик марши» доирасида урушга қарши митинги бўлиб ўтди. Студентлар империализмга қарши бирдамлик, тинчлик ва дўстлик шиори остида сиёсий плакатлар кўргазмаси ташкил қилдилар.

Митингни Тошкент Давлат медицина институтининг тинчлик фонди раиси С. Қосимова очди. У ўз нутқида институтимиз тарихи, қардош республикаларнинг бузилмас дўстлиги ва «Тинчлик марши» доирасида бўлиб ўтаётган ишлар ҳақида сўзлаб ўтдилар.

Митингда студентлар ўз стипендияларининг 10 процентини Тинчлик фондига ўтказишга аҳд қилишди.

М. БОЗОРБОЕВ.

● Маданият янгилиги

МОСКВАДА НАМОЙИШ ЭТИЛМОҚДА

Ватанимиз пойтахти Москвадаги Кузнецк кўприги ёнида жойлашган СССР Картиналар галереясида Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган ҳаваскор рассомлар ва манзарали-амалий санъат халқ усталари асарларининг Бутуниттифоқ кўргазмаси муваффақият билан намойиш қилина бошланди.

Экспозицияда мамлакатимиз қардош республикаларининг бадиий ҳаваскорлик жоднётни кўргазмаларида танлаб олинган рангтасвир, графика, ҳайкалтарошлик ва халқ санъати буюмларидан 4 мингдан ортиқ экспонат намойиш этилмоқда.

Республикамиз ҳаваскорлари бу кўргазмада ўзларининг 250 дан ортиқ экспонати билан қатнашяпти. Улар орасида Самарқанд, Андижон, Фарғона, Тошкент ва пойтахт области, ҚҚАССР ҳаваскор рассомлар асарлари бор. Улар М. Алиев, М. Вахрутдинов, Ю. Бутусов, ва бошқа кўпгина муаллифлардир.

Шу йилнинг 21 июнига қадар намойиш этиладиган бу кўргазма экспонатлари келгусида мамлакат бўйлаб жўнатиладиган кўчма кўргазмалар учун ажратилади.

Д. МАЖИДХЎЖАЕВА.

КУТУБХОНАДА КЛУБ

Пойтахтнинг Куйбишев районида жойлашган Лев Толстой номли шаҳар кутубхонаси адабиётларга бой. Ҳозир унинг фондида олтмиш минг нусхадан ортиқроқ бадиий, техника ва сиёсий китоблар бор.

Китобхонларга намуналн маданий хизмат кўрсатиш, адабиётлар пропагандасини кенг йўлга қўйиш борасида зиё масканида ибратли ишлар амалга оширилди. Ана шу юқори кўрсаткичлар учун бизнм масканн шаҳар кутубхоналари бўйича ўтказилган соцмалистик мусобақанинг ғолиби деб топилди.

Кутубхона ҳузурида яқинда ўзбек шеърияти ихлосмандлари клуби очилди. Шу муносабат билан бу ерда таниқли шоирлар иштирокида мушоира ўтказилди.

А. АЛИЕВ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорлари—амалда

● *Ичкиликбозликка ўт очайлик*

ҲУШЁРЛИК— ҲАЁТИМИЗ ТАРЗИ

«Тошкент оқшоми»нинг ички саҳифаларида







Одоб—инсон зийнати

Совет турмуш тарзимизнинг энг гўзал фазилатларидан бири инсон хулқи-одобидир. Бахтли замонамизнинг етук кишиларини тарбиялаб етиштиришда ёш авлодни ўқитиш, таълим-тарбия бериш, ижтимоий-фойдали меҳнатга сифатли тайёрлаш, уларда тартиб-интизом кўникмаларини ҳосил этиш, янгича анъаналар руҳида вояга етказиш шу куннинг муҳим ва долзарб масаласидир.

Янгича анъаналар ёшларнинг маънавий-маданий савиясларини ошириб, уларда фойдали ижтимоий меҳнатга, жамиятимизни ҳар томонлама ривожлантиришга, она-Ватан бойликларини кўз қорачиғидек сақлашга меҳр-муҳаббат уйғотади, уларни янгидан-янги меҳнат ва ижод зафарларига руҳлантиради. Шунинг учун ҳам жонажон Коммунистик партиямиз ва Совет ҳукуматимиз ёш авлодни чинакам коммунистик руҳда тарбиялаш учун ҳамма шарт-шароитларни яратиб бермоқда. КПСС Марказий Комитетининг апрель (1985 йил) Пленумида ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялашга, уларни ижтимоий фойдали меҳнатга тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш талаби аниқ-равшан кўрсатиб ўтилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI ва XX пленумларида кадрларни ғоявий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга, диний сарқитларга ва совет турмуш тарзига хос бўлмаган феъл-атвор кўринишларига кескин зарба бериш, янгича анъаналарни эса кенг жабҳа бўйлаб тарғиб қилиш масаласи алоҳида кўрсатиб берилди.

Гўзал ҳаётимизнинг хунук ва ёмон иллати —ичкиликбозликни йўқотиш ва бартараф этиш масаласи ҳам энг долзарб масалалардан бири бўлиб турибди. КПСС Марказий Комитетининг «Ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш тадбирлари тўғрисида»ги ва СССР Министрлар Советининг «Ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш, самогон қилишни тугатиш тадбирлари тўғрисида»ги қарорларини халқимиз ғоят яқдиллик ва хушнудлик билан маъқулламоқдалар. Ҳозирги кунда Тошкент шаҳримизнинг барча корхона-муассасаларида, ўқув юртларида, маҳаллаларда, турар-жой массивларидаги ЖЭКларда кенг жамоатчилик ўртасида ичкиликбозлик ва уни бартараф этиш масаласи муҳокама этилиб бу ёмон сарқитга қатъий қурашиш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Бундай йиғилишларда ичкиликбозлик инсон саломатлигига, унинг ижтимоий фойдали меҳнатига, моддий-иқтисодий аҳволига, ширин онласига, бола-чақаларига, ёш авлоднинг таълим тарбиясига, ҳатто насл-насабига зиён ва хавфли экани, ичкиликбозлик иллатини батамом йўқотиш кераклигини ҳамма яқдиллик билан қўллаб-қувватлаяпти. Ана шундай йиғилишлардан бири кўни-кеча Акмал Икромов районидаги «Иқтисод» маҳалласида бўлиб ўтди.

(Шу ҳақдаги материалларни газетанинг 3-саҳифасида ўқийсиз).

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

БУГУН ТОШКЕНТДА:

Асбобсозлик заводининг 3-техник участкасида деталларга пардоз берадиган автоматик агрегатни монтаж қилиш ишлари бошлаб юборилди. Бу такомиллашган ускуна ишга туширилиши билан аввалги тўрт киши бажарадиган ишни икки киши адо этадиган бўлади. Энг муҳими маҳсулот сифати кескин ошади. Бу автомат Харьковдаги «Укроргстанкинпром» институтида ишлаб чиқилган ва тайёрланган. Агрегатда марказий бошқариш пульти бор. Унинг ёрдамида тайёрланаётган деталь исталган размерга созланади.

●

Грампластинкалар заводининг пресслаш цехида «куйловчи» ликопчалар тайёрлайдиган еттита пресс-автоматни монтаж қилиш бошланди. Бу ускуналар ишга туширилиши билан етти прессчи бошқа ишларга ўтказилади ва меҳнат унумдорлиги 1,5 марта ошади.

●

В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиали фонди ноёб буюмлар билан яна бойиди. Мўътабар даргоҳда пролетариатнинг улуғ доҳийси номи билан боғлиқ бўлган Ульяновск шаҳрининг ленинчи ёш авлоди акс эттирилди, тасвирий санъат асари экспонатлар қаторидан ўрин олди. Бу рассом Р. Р. Шевяковнинг мўйқаламига мансубдир. Бундан ташқари санъаткорнинг «Ўқиш, ўқиш, ва яна ўқиш керак» асари ҳам музей фондига айланди. Республика тинчликни ҳимоя қилиш комитети мўътабар даргоҳга В. И. Ленин номли Ўзбекистон металлургия комбинатининг мартен цехида тайёрланган «Тинчлик қуйилмаси» намунасини топширди.

ОБ-ҲАВО

● Бугун эрталаб совт 11 да Тошкентда 26 даража иссиқ бўлди. Бугун кечаси 14—16, эртага кундузи 28—30 даража иссиқ бўлади.

● Сархил сабзавотлар—шаҳарликлар дастурхонига

ТАҚЧИЛЛИККА ЎРИН ЙЎҚ

Тошкент шаҳридаги савдо ва умумий овқатланиш корхоналарида мева-сабзавот маҳсулотларини реализация қилиш қандай ташкил этилган! Шу кунларда область партия комитети савдо ва маиший хизмат кўрсатиш бўлимининг халқ контроли органлари, савдо инспекцияси, касаба союз ва комсомол актнви билан биргаликда ўтказган текшириши ана шу масалага бағишланди.

«Таштекстиль м а ш », «Узбексельмаш», агрегат, асбобсозлик заводларининг ошхоналарида, студентлар шаҳарчасидаги 4 ва 9-студентлар ошхоналарида доимо сархил сабзавотлардан салатлар, сабзавотдан тайёрланган таомлар мавжуд. Бироқ умумий овқатланиш корхоналарининг ҳаммасида ҳам аҳвол шундай деб бўлмайди. Чилонзор районидаги 4, 6, 10, 14, 15-ошхоналарга кирган хўррандалар менюда сабзавотдан тайёрланган иккинчи таомлар йўқлигига ажабланмоқдалар. Ҳолбуки, ана шу ошхоналарнинг ёрдамчи хоналарида карам, пиёз, саримсоқ пиёз, бодринг ва бошқа сабзавотлар бор. Ленин, Ҳамза, Сергели районларининг умумий овқатланиш корхоналарида биринчи ва иккинчи таомлар тайёрлашда сабзавотлардан етарлича фойдаланилмаяпти.

Карам, саримсоқ пиёз, кўк пиёз, бодринг, сархил кўкатлар доимо харид қилинаётган ўнлаб магазинлар номини келтириш мумкин. Бироқ шундай магазин мудирлари ҳам борки, улар харидорлар ҳақида ўйламайдилар. Улар кун ўтса бўлди, қабилида ишлайдилар. «Ташплодоовошч» бирлашмасининг Октябрь район улгуржи-чакана савдо идорасига қарашли магазинларда ана шундай ҳолни кўриш мумкин. Ўзингиз ўйлаб кўринг 9-магазинда 20 килограмм саримсоқ пиёз, 90 килограмм бодринг ва 2 килограмм укроп унинг ассортиментини ташкил этишини нима дейиш мумкин? Айни пайтда эса пештахталарда ва ёрдамчи хоналарда бошқа хил товарлар — 15 мингта папирос, бир минг шиша вино, 2,5 минг тонна қанд, 2 тонна томат пастаси ва ҳоказолар керагича топилади. Қисқаси, сабзавот магазинида нега бундай товарлар сотилаётгани мутлақо тушунарсиз.

Куйбишев район, улгуржи-чакана савдо идорасига қарашли 1-магазинда аҳвол яхши эмас. Бу ерда товароботнинг салкам ярмини гуруч, қанд, вино, туз савдоси ташкил этади. Бироқ савдода харидорларга жуда зарур бўлган помидор, редиска, укроп, пиёз, турли хил кўкатлар йўқ. «Ташплодоовошч» бирлашмасининг ана шу улгуржи-чакана савдо идорасига қарашли 20-магазинида ҳам сархил сабзавотлар, кўкатлар жуда ғариб.

Киров районидаги 7-магазинда, Фрунзе районидаги 2-магазинда, Октябрь районидаги 5 ва 12-магазинларда, Куйбишев районидаги 14-магазинда, Ҳамза район улгуржи-чакана идорасига қарашли 7-магазинда ассортимент минимумларига «мутлақо риоя қилинмаётир.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг умумий овқатланиш Бош бошқармаси, «Ташплодоовошч» бирлашмаси ўз ишларини тубдан қайта қуришлари зарур. Токи ошхона менюларида, магазинларнинг пештахталарида доимо сабзавотдан тайёрланган таомлар, салатлар, сархил кўкатлар бўлишига эришишлари даркор.

Бир қатор касалхоналар ва мактабгача тарбия болалар муассасаларини сархил сабзавотлар билан таъминлаш борасида нохуш аҳвол рўй бермоқда. «Ташсельмаш» заводининг медицина-санитария қисмида, 3-касалхонада, 9-болалар касалхонасида, тўқимачилик комбинатининг медицина-санитария қисмида, Фрунзе районидаги 1, 13 ва 45-болалар боғчалари менюларида сархил сабзавотлардан таомлар тайёрланмаяпти, салатлар эса йўқ. Бундай ҳолга тоқат қилиб бўлмайди. Бу нуқсонларга тезликда барҳам бериш зарур.

Н. ЮСУПОВ.
А. ХАТАМОВ.

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ШАРАФИГА

БУНЁДКОРЛАР СЪЕЗДОЛДИ ВАХТАСИДА

БРИГАДА ПУДРАТИ—ҚУРИЛИШ ҚУДРАТИ

Самарқанд дарбоза кўчасидаги эски уйлар тобора камайиб боряпти. Кейинги икки йил давомида бу ерда бутунлай янги микрорайон қад кўтармоқда. Унинг яқинида «Оқтепа» массиви шаклланиб боряпти. Янги микрорайонда 1-уйсозлик комбинатининг 1-монтаж бошқармаси қурувчилари фидокорлик намунасини кўрсатмоқдалар. Бошқарманинг Валентин Цой бошлиқ бригадаси зарбдорона меҳнат қилиб, бир ярим ой мобайнида 40 квартирали уйни пардозловчиларга топширишга муваффақ бўлди. Пардозловчилар янги уйни монтажчилардан «яхши» баҳолар билан қабул қилиб олдилар. Мана бир неча йилдирки, В. Цой бригадаси уйларни ана шундай «яхши» баҳолар билан тез ва соз топшириб келяптилар.

Коллектив ҳали ёш, лекин шунга қарамай анчагина тажриба орттирган. Шунинг учун бўлса керак, коллектив бригада пудрати методи асосида ишлашга ҳеч иккиланмай ўтди. Мана энди бу илғор иш усулининг самараси катта бўлмоқда.

— Ўзим қурилишда қарийб ўн йилдан бери ишлаб келаман, — дейди бригадир. —Икки йилдан бери бригадага бошчилик қилиб келяпман. Шу йиллар мобайнида фақат пудрат шартномаси асосида ишлаб келяпмиз. Агар биз бирор бир қурилиш майдонига ишлаш учун келсак, бу ерда қанча ҳажмда қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишимиз кераклигини дарҳол биламиз. Шартномада қурилишни тугаллаш муддати ҳам аниқ кўрсатилган. Ишни муддатидан илгари адо этганлигимиз, сифатли иш бажарганлигимиз, материалларни тежаб қолганлигимиз учун мукофот пули берилади. Шунинг учун ҳам бригада аъзолари бир тан, бир жон бўлишиб меҳнат қилишади. Хуллас, бригада пудрати асосида ишлаш ҳар бир қурувчининг ишга бўлган масъулиятини оширади, ҳамкасбларига бўлган талабни кучайтиради.

Ҳа, бригадирнинг гапида жон бор. Бекорга қурувчилар «бригада пудрати — қурилиш қудрати» деб айтмайдилар. Янги метод асоси бўйича ишлашда Валентин Цой бригадаси ўз муваффақиятлари билан бошқармада кўзга ташланиб қолди. Бригадирнинг ўзи ҳам тинибтинчимайди. Ҳар бир ишда бош-қош бўлиб, бошқаларга ўрнак бўлади. Коллективнинг А. Маҳмудов, И. Слободчиков Н. Казначеев каби ўз касбининг усталари бошқаларга ўрнак бўлиб келмоқдалар.

Бригада айни кунларда КПСС XXVII съезди шарафига социалистик мусобақани қизитиб юборди. Улар яна бир янги уйнинг пойдеворини қуришга киришдилар. Ҳеч шубҳа йўққи, ҳадемай бу ерда яна бир янги уй қад кўтаради. Янги микрорайоннинг чиройига чирой қўшаётган В. Цой бригадаси эса янги марралар сари дадил бораверади.

Ю. КОВАЧ,
жамоатчи мухбиримиз.

БОШ МУХБИРИМИЗДАН

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ ХАБАРЛАР

Сўнмас у кунлар шуҳрати

Осмон мусаффо бўлсин

Фабрика-завод таълими мактабини тугатиб, Тошкентдаги Ильич заводига ишга жойлашган, ҳаётга мустақил равишда дастлабки қадам ташлаган кунларим. Ўша куни тушки овқат вақтида завод ошхонасида қандайдир сирли ўзгариш ҳукм сурарди.

Ишдан кейин завод ҳовлисида митинг бўлди. Партия ташкилотининг секретари сўзга чиқиб, 22 июль эрталаб фашистлар Ватанимизга тўсатдан уруш эълон қилмасдан бостириб кирганини айтди. Ҳаммамизни яхши ишлашга, зийрак ва ҳушёр бўлишга чақирди. Шу кундан бошлаб самарали меҳнат қилиш ҳар бир кишининг ватанпарварлик бурчига, шонушуҳрат ишига айланди. Заводимиз комсомол ва ёшлари ўз планларини ортиғи билан бажара бошладилар. Мен ҳам ҳар куни планни 120 — 140 процентга етказиб бажардим.

«Мени фронтга жўнатинг, ўз пулимга милтиқ олиб душманнинг жазосини бераман» деб талаб қилувчилар кундан-кунга кўпаярди. Завод директори ёшларни йиғиб, фронт орқасини ҳам мустаҳкамлаш зарур эканини, бусиз ғалабани тезлатиш мумкин эмаслигини тушунтирарди.

1941 йилнинг охирларида Москва яқинидан Чкалов номли самолётсозлик заводи кўчириб келтирилди. Бизнинг Ильич заводимиздан 60 кишини шу заводга ўтказдилар. Мен ўз ҳунарим бўйича ўртоқ П. И. Садоменко бошлиқ бўлган 1-цехга тушдим. Заводни қайта тиклаш, қуриш зарур эди. Цехларда иш ниҳоятда кўп, вақт етишмас эди. Иш 4 сменада борар эди. Бизлар Москвадан келган ишчилар билан биргаликда икки сменаламб ишлаб, келтирилган станокларни монтаж қилиб, тез кунда цехни ишга туширдик. Завод коллективи олдида фашистларни тезроқ тормор қилиш учун кўплаб самолёт ишлаб чиқаришдек масъулиятли вазифа турар эди.

Ота-аколаримиз урушга кетишган, завод, фабрика ва колхозларда ишчи кучлари етишмас эди. Лекин шунга қарамай халқимиз «Ҳамма нарса фронт учун» деган шиор остида ишлар эди. Юртимизда етишмовчилик, очлик ҳукм сурарди. Лекин халқимизнинг иродаси пўлатдек мустаҳкам эди. Ҳар бир совет кишисининг қалбидан немис газандалари устидан ғалаба қозонишга ишонч ҳисси жой олган эди.

Завод цехлари ёппасига ишга тушди. Бир куни завод комсомол комитетининг секретари тўрт ишчини йиғди. Заводда ўзбек ишчиларини кўпайтириш зарурлигини тушунтиришди. Мен ҳам бундай топшириқни олганимдан кейин, Лабзак, Тараққий, Қаймоқ бозор, Шайхонтоҳур ва Қашқар маҳаллаларига бордим. Уйма-уй юриб, тушунтириш ишларини олиб бордим, ёшларнинг ота-оналари билан гаплашдим. Натижа ёмон бўлмади. 90 йигит-қизни заводга ишга олиб келдим.

Мен бошлиқ 30 йигитни 9-цехга ишга юбордилар. Қизлар ҳаммаси 1-цехга, 30 йигит эса 44-цехга ишга жойлаштирилди. Янги келганларнинг ҳаммаси ҳунарга ихлосманд эканлар. 3 ой ичида сидқидилдан касб ўрганиб, учинчи разряд бўйича ишлай бошладилар. Улар ҳам планни ортиғи билан бажара бошладилар. Ҳаммалари комсомол сафига ўтдилар. Бу ёшларнинг ҳаммаси фақат қаҳрамонона меҳнат билан ғалабани таъминлаш мумкинлигини тушунар эдилар. Шунга қарамай комсомоллар икки сменалаб, ҳатто заводда ётиб қолиб, 4 сменалаб ишлар, планларни ошириб бажарар эдилар.

Мана орадан 40 йил ўтди. Лекин мен тез-тез ўша даврларни, олов ёшлигимизни, комсомол дўстларимни ҳурмат билан эслайман. Чунки бутун инсоният бошига фашизм соя солган ўша оғир дамларда, биз 40-йиллар комсомоллари умумхалқ ишига ўз ҳиссамизни озгина бўлса ҳам қўша олдик. Ҳозирги ёшларимиз тинч, ҳур замонда ўсмоқда ва Қашқар маҳаллаларига бордим. Улар уруш нималигини, унинг оқибатларини билмайдилар. Билмаганлари яхши, ҳамма вақт ер юзида тинчлик бўлсин!

Р. ҲУСАНОВ,
Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи.

Олий ўқув юртларида

«ҚАҲРАМОНЛАР ОРАМИЗДА»

Тошкент Давлат маданият институтида «Қаҳрамонлар орамизда» деб номланган кеча ўтказилди.

— Машъум уруш бошланганда, — деб сўз бошлади музика назарияси ва тарихи кафедрасининг мудири, доцент Аҳмад Ҳамидов, —музика мактабида таҳсил олаётган эдим...

1942 йилдан КПСС аъзоси, «ИЛ—2» қирувчи самолётининг учувчиси Мария Максимовна Стрижакнинг Москва, Киев, Минск шаҳарлари, Руминия ва Польшани озод қилиш учун бўлган жанглар ҳақидаги ҳикоясини йиғилганлар ҳаяжон билан тинглашди.

Доцент А. Каримов, граждан мудофааси кафедрасининг мудири А. Чекмарев, Б. Эркабоев ва бошқалар озодлик йўлида қурбон бўлганларнинг хотираси абадий сақланишини таъкидлашди.

Студентлар миннатдорчилик рамзи сифатида ветеранларга гулдасталар тақдим этдилар.

Б. КАРИМОВ.



Коммунистик меҳнат зарбдори Дилором Умарова (суратда) мана йигирма беш йилдирки, «Қизил тонг» ишлаб чиқариш бирлашмасида фидокорона меҳнат қилиб келади. Тажрибали ишчига ҳамкасблари катта ишонч билдириб, уни Узбекистон ССР Олий Советига депутат қилиб сайлашди. Айни кунларда жонкуяр депутат фидокорона меҳнат қилиш билан бирга, сайловчиларнинг наказларини бажармоқда.

ЖУРНАЛЛАРНИНГ ЯНГИ СОНЛАРИДА

«Мухбир»—«Корреспондент»

«Мухбир» —«Корреспондент» журналининг навбатдаги бешинчи сони нашрдан чиқди.

Журналда Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига бағишлаб Узбекистон ССР граждан мудофааси штабининг бошлиғи, генерал-лейтенант С. Охунжоновнинг «Совет халқининг буюк жасорати» сарлавҳали мақоласи, Ш. Зайнутдиновнинг «Павел Чиркиннинг фронтда олган суратлари» фоторепортажи, Л. Спиридоновнинг «Қаҳрамонлар изидан» ва И. Субҳоновнинг «Шундай бир одам яшайди» лавҳалари, Э. Бобоевнинг «Овозли ҳужжат қудрати», О. Жўраевнинг «Ҳам жангчи, ҳам журналист», Ж. Саримсоқовнинг «Фрунзевец» газетаси Улуғ Ватан урушн йилларида», «М. Муҳаммедовнинг «Оловли йўллар» материаллари берилган.

Ж. Саъдуллаевнинг «Касбга муҳаббат» ва Б. Жумақуловнинг «Меҳнатдан топган обрў» материалларида ҳамкасбларимиз ҳақида ҳикоя қилинади.

Шунингдек, «Фикр ва мулоҳаза», «Сўнмас сийлолар», «Назарий семинар», «Диққат: проблема» рубрикалари остида ҳам қизиқарли материаллар берилган.

Маданият хабари

ШОИР ҲАҚИДА ЗАРВАРАҚ

Алишер Навоий номидаги адабиёт музейининг илмий ходимлари Баҳодир Валиев, Ҳусния Шамсиевалар Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқатнинг 125 йиллигига атаб зарварақ тайёрладилар. Ёшлигидаёқ форс-тожик, озарбайжон адабиёти классиклари асарларини сеҳиб ўрганган, 1889 йилда Тошкентга келиб рус адабиётининг А. С. Пушкин, М. Ю. Лермонтов каби буюк намояндаларининг асарларидан ўрнак олиб қимматли дурдоналар яратганлиги, «Гимназия», «Илм хосияти», «Виставка хусусида», «Суворов» каби асарларида ғоялларнинг эҳтирос билан куйланиши ҳақида зарварақ саҳифаларида ҳикоя қилинади.

Фурқатнинг табобат оламидан хабардорлиги тўғрисида, унинг чет элларга саёҳат қилиши зарварақ саҳифаларида ёрқин акс эттирилган. Чет элларда Фурқат Ватан муҳаббатини, халқ қудратини тараннум этувчи, ўз озодлиги учун курашган халқини мадҳ этувчи яратган шеърлари ҳақида зарварақ саҳифаларида фикр юритилган. Ундан рассомлар Ж. Умарбеков, А. Мохотин, М. Воронский, В. Евенко яратган шоир ижоди ва ҳаётига бағишланган рангли тасвирдаги расмлар ўрин олган.

И. АШРАПОВА,
Ҳ. Сулаймонов номидаги қўлёзмалар институтининг илмий ходими.

ГАЗЕТХОН ХАБАР БЕРАДИ

МАРОҚЛИ УЧРАШУВ

Халқлар дўстлиги орденли Тошкент қишлоқ хўжалик институтида Ўзбекистон радиосининг «Ёшлик» радиостанцияси ижодий коллективи билан студентларнинг учрашуви бўлиб ўтди. Тингловчилар конференциясида сўзга чиққан институт ўқитувчиси, филология фанлари кандидати Неъмат Саъдуллаев, институт доценти, тарих фанлари кандидати Баҳром Рихсиев, ўрмон хўжалиги факультетининг 4-курс студенти, ҳаваскор шоир Акромжон Азизов, ўсимликларни ҳимоя қилиш факультетининг биринчи курс студенти Муҳаббат Маҳамаджонова, зооинженерлик факультетининг 2-курс студенти Бойхон Қиличевлар «Ёшлик» радиостанциясининг эшиттиришларидан мамнун эканликлари ҳақида гапирдилар, эшиттиришларнинг сифати ва таъсирчанлигини оширишга доир ўзларининг фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар.

«Ёшлик» билан учрашув институт студентларида катта таассурот қолдирди.

Ф. САЙДАМЕТОВА, ТошДУ студенти.

... МАҚТАЙДИ ...

ХИЗМАТЛАРИ ЭЛГА МАНЗУР

Биз «Совет Ўзбекистони», «Тошкент оқшоми» газеталари ва «Молодой коммунист», «Саодат» журналларига обуна бўланмиз. Шуниси қувончлики, биз бу матбуот нашрларини ўз вақтида олиб ўқиш, дунё воқеаларидан воқиф бўлиш имкониятига эгамиз. Чунки 93-алоқа бўлимининг сергайрат ходимлари газета ва журналларни ўз вақтида уйимизга етказиб бершади.

Биз намунали хизматлари учун почта ходимларига чин дилдан миннатдорчилик изҳор этамиз.

В. ТОШМЕТОВ,
Юнусобод массиви, 8-квартал, 28-уй, 2-квартирада яшовчи.

... ТАКЛИФ ЭТАДИ ...

ҚУЛАЙЛИК ЯРАТИЛАРДИ

Шаҳар марказидан 17-шаҳар касалхонасига тўғридан-тўғри борадиган автобус фақат битта. 47-маршрутдаги транспорт. Бу машина ҳам кўпинча графикка риоя қилмайди. Шунинг учун йўловчилар бекатларда транспортни кутиб қолиб, қимматли вақтларини беҳуда ўтказишади.

Бизнинг бирдан-бир истагимиз шуки, бу маршрутдаги автобус графика аниқ риоя қилиб юрса. Яна Энгельс кўчаси бўйлаб қатнайдиган бази маршрутдаги автобусларни Гвардейский кўчаси бўйлаб, 17-шаҳар касалхонаси орқали Аҳмад Дониш кўчасига чиқиши таъминланса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

К. УМАРОВ, 2-группа инвалиди.

...танқид қилади

СУВ БЕҲУДА ОҚМОҚДА

Биз Навоий кўчасидаги «Марказ —4» кварталидаги 12-уйда истиқомат қиламиз. Уй ёнидаги стадионнинг бир четида жуда катта кран бор. Ундан кечаю-кундуз тинмай сув оқиб туради. Бу ҳам етмагандек, ҳар куни тушдан кейин уч-тўрт номаълум киши болалари билан келиб, кранга мотопомпа ўрнатади. Улар кечга қадар бир-бирларига сув сепиб ўзларича «маданий ҳордиқ» чиқарадилар. Кетаётганларида эса кранни беркитишни унутишади.

Эҳтимол шу сабабдир, биз истиқомат қилаётган тўққиз қаватли уйнинг юқори қаватларига деярли сув чиқмай қоляпти. Бу аҳволни бир неча марта ЖЭКка маълум қилдик. Лекин ўзгариш бўлгани йўқ. Ҳайронмиз, қачонгача крандан бир қулоқ сув беҳуда оқиб ётаркан! Бу ҳақда «Водоканал» трестининг ходимлари ўйлаб кўришса яхши бўларди.

С. ФАЙЗИЕВ,
108 хонадонли уй комитетининг аъзоси.

САҲНАДА—КЛАССИК АСАРЛАР

● ДУШАНБАДАГИ МАЯКОВСКИЙ НОМЛИ РУС ДАВЛАТ ДРАМА ТЕАТРИНИНГ ТОШКЕНТДАГИ ГАСТРОЛЛАРИ

Душанбалик санъаткорларнинг репертуар планида классик саҳна асарларига катта ўрин берилган. Бу гал томошабинларга кўрсатилаётган асарлар орасида Гоголнинг «Уйланиш», Мольернинг «Тартюф», Лопе де Веганинг «Тентак қиз» асарлари ўрин олган. Классик асарларни маҳорат билан ижро этиш, бу борада режиссура маҳорати, актёрларнинг таланти, уларнинг саҳна асарларини пухта ўрганиши театр коллективи учун ўзига хос имтиҳондир.

Шу боисдан ҳам душанбалик саҳна усталари ижро этаётган классик асарларни томошабинлар қизғин кутиб олишмоқда. Тошкент гастролларидан ўрин олган ҳар учала классик асар шаҳримиз санъат ихлосмандларини мамнун этаётир.

СУРАТДА: Лопе де Веганинг «Тентак қиз» спектаклидан лавҳа.



УЧ МИНГ МАРТА ШИРИН

Япония кимёгарлари Ғарбий Африкада ўсувчи тропик ўсимлик меваси дан ўта ширин модда олишга эришдилар. Олимларнинг аниқлашича, бу модда қандга қараганда уч минг марта ширин экан. Мутахассислар уни резина-сақич ишлаб чиқаришда фойдаланишни кўзда тутишмоқда. Шундай қилинганда резина-сақич мазаси дарров кетиб қолмай, ширинлиги анчагача сақланиб турадиган бўлади.

ҚИШ—ТАЙЁРГАРЛИКНИ ЁҚТИРАДИ

ҲОЗИРЧА УЙЛАРНИ ҚУЁШ ИСИТАДИ...

Қиш кунлари, баҳорнинг ёғин-сочинлари ортда қолди. Ҳозир тошкентликларнинг хонадонларида ёзнинг иссиқ ҳарорати уфуриб турибди. Чунки уларни қуёш иситмоқда. Янги иситиш мавсумига шаҳар барча районларининг турли ташкилотлари тайёргарликни бошлаб юбордилар. Бу тайёргарлик ишлари қандай бораётганлиги тўғрисида редакциямизга келаётган хатлар яққол далолат беради. Уларда биринчи навбатда ўтган қиш сабоқлари такрорланмаслиги бир овоздан таъкидланган. Келинг, яхшиси оқшомхонларнинг хатларига мурожаат қилайлик.

Жуковский кўчасидаги 72-уйнинг 17-квартирасида яшовчи **Л. Кузнецова** шундай ёзади: «Мана икки йилдирки, бизнинг уйимизга иссиқлик тармоғини олиб ўтишяпти. Бир неча марта қувур олиб келишди. Лекин тезда улар кўздан ғойиб бўлди. Ҳозир уйимизга муntазам икки ишчи келиб турибди. Бироқ улар кун бўйи ўтириб нард ўйнашади. Биз уларга танбеҳ бергач, ҳужрага кириб нард ўйнашадиган бўлишди. Хўш, улар қачон иш билан шуғулланишади? Уларнинг жавоб беришича, биз ўзимиз айбдормишмиз. Чунки карбид йўқ эмиш... Улар қайси ташкилотдан эканликларини айтишмайди. Хуллас, қишки мавсумга тайёргарлик ишлари бизда ана шундай ўлда-жўлда».

Агар номаълум кишилар нард ўйнаётган бўлсалар, аммо Киров районидаги 41-ЖЭУ ўзининг шиддатли фаолиятини... қоғозда бошлаб юборди. Юнусобод массивининг А—4 кварталидаги 35-уйнинг 4-ва 7-квартирасида яшовчи **Н. Антипина** ва **Т. Горшкова**ларнинг ёзишича, «Ўтган қишда уларнинг квартираларида бир неча комиссия, шу жумладан У. Ризаев бошлиқ шаҳар уй-жой бошқармасининг комиссияси ҳам бўлиб, аҳволни кўриб кетган эдилар. Журналга, блокнотларга нималарнидир ёзишгизишди, расмий хатлар ҳам ёзилди. Ниҳоят слесарнинг ҳам қораси кўринди. У кетгач, квартираларимиз бир ҳафта исиб турди, сўнгра кескин совиб кетди. Ҳозир қоғозбозлик «фаолияти» ҳам тугади. Ахир қоғозбозлик билан квартирани иситиб бўлмайди-ку!» Оқшомхонларнинг ташвишланаётганларича бор. Ҳаш-паш дегунча қиш ҳам келиб қолади.

Мана, яна қишга тайёргарликнинг бир кўриниши. Фақат бу ерда гап узлуксиз сув таъминоти тўғрисида боради. Улуғ Ватан уруши ивналиди **Иван Андреевич Бородавка** Қизил-Арвот кўчасидаги 14-уйда яшайди. «Мана йигирма йилдирки, сув таъминотида узилиш бўлиб келяпти, — деб ёзади у.— Кунлар исиши билан водопроводда сув қурийди-қолади. Ундаги босим жуда паст. Агар қўшнилар кир-чир ювадиган ёки душ қабул қиладиган бўлса мутлақо сувсиз ўтириш мумкин. Иван Андреевичнинг редакцияга йўллаган хатида шудай аччиқ сатрлар ҳам бор: «Бизнинг оиламиз уч кишидан иборат. Неварам доимо институтда бўлади. Мен кампир билан қоламан. Хўш бизга қанча сув керак? Бор-йўғи озгина. Қани энди ўша ҳам бўлсайди!»

Иван Андреевич «Водоканал» трестига мурожаат қилди. Бу ерда масалани қисман ҳал этишди. Ҳа, ҳа, афсуски, қисман. Охиригача етказишмади. Ваҳоланки, Бородавканинг қўшнисиникида сув фавворадек отилиб ётибди. Томорқасини суғороди...

Жарқўрғон кўчасидаги 11-уйнинг 5-квартирасида яшовчи Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветерани пенсионер **Д. И. Коваленко** редакциямизга шундай деб ёзади: «Ўтган йили баҳорда Ҳамза районидаги 63-ЖЭУга иситиш батареясининг носоз жойини тўғрилаб бериш тўғрисида илтимос қилган эдим. Бинобарин бу батареялар 50 йилларда ўрнатилган. Орадан бир йил ўтди. 63-ЖЭУдан Коваленконикига ҳеч ким келмади. Афтидан бу ерда жуда банд кишилар ишлашаётган бўлса керак. Албатта, агар ишлашаётган бўлишса. Хизмат кўрсатган муҳтарам қариянинг эътирози ўринли. Яқинда у ЖЭУда бўлди. Аммо унинг аризасини топиша олмади. Хўш, бу йилги қишда худди шундай аҳвол такрорланмайди, деб ким кафолат бера олади?

Ўйлаймизки 63-ЖЭУ раҳбарларига ўйлаш ва ишлаш учун ҳам иш етарлидир. Ана шундагина Коваленконинг оиласи ва бошқа кўплаб оилалар бу йилги қишни иссиқ квартираларда қарши олишади.

Редакциямизга мактуб йўллаган кўпгина газетхонлар ўз хатларида бизнинг квартирамиз совуқ, қўшнимизники иссиқ деб нолишади. Аниқланишича, қўшниникида батареялар ҳатто айвонида ҳам бор. Хоналарга эса қўшимча қилиб ўрнатиб олган. Масалан, бу ҳақда Новза-Қозиробод кўчасидаги 6-уйнинг 75-квартирасида яшовчи **Л. Ф. Паутова** шундай деб ёзади: «Тошкент шаҳар қурилиш Бош бошқармасининг уй-жой коммунал хўжалиги бошқармасига қарашли 1-ЖЭУга кўп бор мурожаат этишимизга қарамай, бизга ҳеч қандай ёрдам кўрсатмаяпти». Ҳа, қишнинг биринчи декадасидаёқ Паутовалар нинг оиласи совуқда қотиши турган гап. Аммо бу пайтда ноинсоф қўшнилари ўз квартираларида майкаларда юриши мумкин, Қизиқ, ўзбошимчалик билан ўз квартираларига қўшимча батареялар ўрнатиб олиш давлатга қанчалик зарар келтираётганлигини 1-ЖЭУдагилар ҳисоблаб кўрдиларминкин? Кўриниб турибдики, ЖЭУда уй-жойлардан фойдаланиш қоидаларини назорат этиш мутлақо нулга кўйилмаган.

Мана, **А. Кадишкина** (Чилонзор, 2-37-46)нинг хатини олайлик. «1984 йилнинг 4 май сонида «Том» деган луқма эълон қилинди. Унда бизнинг уйимиз томини ремонт қилиш талаб этилганлиги тўғрисида гап борган эди. Сиз ўйлайсизки, бирон нарса ўзгардими? Ҳеч нарса бўлмади. Биз турли ташкилотларга хат ёзишни давом эттиряпмиз. Егин-сочин бўлди дегунча томдан чакка ўтади».

Наҳотки Чилонзор район уй-жой эксплуатацияси ишлаб чиқариш тресги 25 йилдан буён фойдаланилаётган уйнинг томини ремонт қилишнинг иложини тополмайди? Ёки у ердагилар ўзларининг асосий вазифаларини унутиб қўйдилармикин?

«Биз «Октябрь» уй-жой қурилиши кооперативи раҳбарларидан нима учун коммунал, иситиш хизматлари учун пул тўлаймиз, деб сўрамоқчимиз. Ахир 1983 йилнинг 20 октябридан 1985 йилнинг 20 мартигача квартираларимиз бирон марта илимади». Хўш, Беруний кўчасидаги 12-уйнинг 43, 44 ва 45-квартираларида яшовчи оқшомхонлар **Леманский, Скрипникова ва Лесовская**ларнинг бу эътирозлари нотўғрими? Ахир улар кооператив квартира олиш учун қийинчилик билан пул тўплаганлар. Ниҳоят ўз турар жойларини яхшилашга муваффақ бўлдилар. Пировардида зарур бўлмиш коммунал қулайликларни эса олишолмаяпти. Хўш, бўлажак қишда «Октябрь» турар жой қурилиши кооперативи раҳбарлари ўз уйларида тартиб ўрнатади, деб ким кафолат бера олади?!

Улуғ Ватан уруши қатнашчилари **С. Н. Буличев, М. Г. Козуб, Д. Ф. Липин, В. А. Тарасов, С. Ф. Ольховая** (уй комитети раиси) — Чимкент кўчасидаги 8-уйда истиқомат қилувчилар Ленин районидаги 16-ЖЭУга бир неча маротаба мурожаат қилиб, иш чиқмагач, редакцияга ёзишга қарор қилдилар. Гап шундаки, тўрт йил муқаддам уйнинг олди ремонт қилинганига қарамай аянчли аҳволда ётибди. Сув ўтувчи қувурларнинг мустаҳкам эмаслиги туфайли сув уйнинг пойдевори, деворларини ювмоқда, ўтган йили 1984 йилнинг учинчи кварталида уйнинг ташқи қисмини ремонт қилиш белгиланган эди. Бироқ 16-ЖЭУ бошлиғи А. Басов билан шу йилнинг апрель ойида бўлган суҳбатда шу нарса маълум бўлдики, яқин орада уй ремонт қилинмайди ва бўлмайди ҳам.

Редакцияга ана шундай хатлар оқиб келяпти. Тошкентликлар қишга қачон ҳақиқий тайёргарлик бошланишини кутмоқдалар. Ҳозирча сахий қуёш нурларини таратиб уйларимизни, ишхоналаримизни иситиб турибди. Хуллас, қишга тайёргарлик бўйича мутасадди кишилар вақтини ғаниматбилиб, суръат отини қамчиламоқликлари, квартиралардаги иситиш батареялари қишнинг аёзли кунларида нормал ишлашлари, иссиқ ва совуқ сувнинг узлуксиз таъминотини таъминлашлари учун чора-тадбирларни кўрмоқликлари керак!

Э. ВИКТОРОВ.



ЛУҚМА

СУЮНЧИНИ УЧУВЧИДАН СЎРАНГ...

Биз поездда, пароходда ва ҳатто... самолётда туғилган болаларни биламиз. Фан ва техниканинг ҳозирги жадал тараққиётини эътиборга олсак, «...туғилган жойи — космос» индекси остида космик кемадан юборилаётган хабарни ҳам яқин йилларда эшитамиз. Ҳозирча самолётда туғилиш нодир фавқулодда ҳодисалардан ҳисобланади.

Лекин, она қўшни республикага, қўшни шаҳарга, қўшни районга, қўшни қишлоққа борганида фарзанд кўриши ҳолларни тез-тез бўлиб турибди. Фикримизга Сафаржонлар, Саётхойлар, Йўлчибойлар далил бўла оладилар. Тақдир тақозоси билан сафарда фарзанд кўрган оналар ҳам қонуний равишда бериладиган суюнчидан бенасиб қолишмайди. Ўзлари пропискада турган район социал таъминот бўлимидан олишади.

Ҳамшаҳримиз К. Мўминованинг ёзишича, Куйбишев районида бундай эмас экан. «Ўтган йил октябрь ойида тўртинчи фарзандимни кўрдим, — деб ёзади у. — Тегишли ҳужжатларни тўғрилаб, Куйбишев район социал таъминот бўлимига мурожаат этдим. Чунки биз яшаётган Улуғбек посёлкаси шу районга қарайди. Бўлимдагилар: «Сизнинг қизчангиз Оржоникидзе район марказий туғруқхонасида туғилибди, суюнчини ўша район социал таъминот бўлимидан олинг» дейишди. Шундан кейин Оржоникидзе район социал таъминот бўлимига бордим. У ердагилар: «Районимиз туғруқхонаси ходимлари сизга ҳиммат кўрсатиб, доялик қилган бўлишса раҳмат денг. Лекин биз суюнчи беролмаймиз. Нима, самолётда стюардессалар доялигида фарзанд кўрган оналар суюнчини учувчидан талаб қиладими!» — дейишди. Суюнчи олиш учун тўрт боламни эргаштириб, энди қайси идора эшигига борай!»

Биз ҳозирча Бобир кўча, 14-«А» уй, 39-квартирада яшовчи ҳамшаҳримиз К. Мўминовага нима ҳам дердик. Фарзанд кўрган оналар қонуний суюнчини ололмай сарсон бўлишаётгани ҳақида илгари ҳам бир-икки марта ёзганимизни эслатиб ўтамиз, холос. Шаҳар социал таъминот бошқармасидаги мутасадди ўртоқлар яқин вақт ичида район социал таъминот бўлимларининг, чунончи, Куйбишев районн бўлимининг ходимларини чақириб, суюнчи тўлаш тартиб-қоидасини уқтириб қўйишса ажаб эмас. Акс ҳолда улар «Сафарда туғилган Йўлчибойлар учун суюнчини учувчидан сўранг» дейишдан ҳам тойишмайди.

М. НУРМАТОВ.

ФОТОТОПИШМОҚ

Ҳурматли оқшомхонлар! Бугун биз сизнинг эътиборингизга антиқа топишмоқни ҳавола этамиз. Янги уй пойдеворн учун қазилган бу улкан ҳандақни жамоатчи фотомухбиримиз Х. Мирзакаримов суратга туширган. Хўш, бу ҳандақни ким қазиган! У қаерда жойлашган! Ахпатхона ва ёғин-сочинда қурилиш кўлга айланиб, бақалар макон қурган бу жойни Сиз қандай атаган бўлардингиз!

Хатларни г и з н и н «700047, Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 32, «Тошкент оқшоми», қурилиш бўлими»га деб йўлланг.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ XVI ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ—АМАЛДА

Куни-кеча Акмад Икромов районидаги «Иқтисод» маҳалла клуби меҳнат аҳли билан гавжум бўлди. Бу ерга меҳнат ветеранлари, Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари, олимлар, суд ва прокуратура хизматчилари, қўли қадоқ заҳматкаш ишчилар, оддий касб эгалари ва маҳалла активлари тўпланишди. Қатор-қатор ўриндиқлар ва сўриларни тўлдириб ўтирган бахтиёр оталар ва онахонлар, йигит ва қизларнинг кўзларида табассум. Хонандаларнинг сермазмун қўшиқлари дилларни ром этади. Улар бахтли замон, ота-она ва фарзанд ҳақидаги қўшиқларни куйлашмоқда.

Соат роса ўн тўққиз. Инғилганларнинг қарсаклари остида меҳмонлар ва активлар даврa тўридан ўрин олишади. Давра суҳбати очилиб,баҳс бошлаб берилади.

ИЧКИЛИКБОЗЛИККА ЎТ ОЧАЙЛИК!

ҲУШЁРЛИК-ҲАЁТИМИЗ ТАРЗИ

• Тошкент — янгича анъаналар шаҳри | • Ёшлар камоли — Ватан иқболи | • Яхши ота-она — оилага парвона | • Бола бошидан, ўғлон ёшидан

«...Комсомол комитетларига ёшларни алкоголизмга қарши руҳда тарбиялашни энг муҳим вазифаларидан бири деб ҳисоблаш, ўсмирларни спиртли ичимликларга жалб қилиш йўлидаги ҳар қандай уринишларга нисбатан муросасиз бўлиш, ёшларнинг кечаларида ва шунга ўхшаш бошқа маросимларда спиртли ичимликлар ичилишига йўл қўймаслик, ўқувчилар, студентлар орасида, ёшларнинг ётоқхоналарида спиртли ичимликлар истеъмол қилинишини бутунлай тугатишга эришиш таклиф қилинди».

(КПСС Марказий Комитетининг «Ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш тадбирлари тўғрисида»ги қароридан).



ОТА-ОНА ИБРАТИ

Шукур ТЕМУРОВ,
Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг доценти, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими.

— Маҳалламиздаги 637 хонадонда 4700 киши истиқомат қилади. Улар орасида 54 коммунист, 257 комсомол, 175 пенсионер, 42 Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, 5 Қаҳрамон она, 10 дан ортиқ олимлар бор. **Жамоатчилик ҳар бир ишда улар кўмагига таянади. Жумладан, яқинда улар билан КПСС Марказий Комитетининг «Ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш тадбирлари тўғрисида»ги қарорини ишлаб чиқдик. Шунга кўра қатор тадбирлар плани тузилди. Булардан асосийси тўйларни ичкиликсиз ўтказиш, ҳар қандай исрофгарчилик ва эскича урф-одатларга барҳам беришдир.**

Шундан бери маҳалламизда бир неча никоҳ тўйлари бўлиб ўтди. Активлар ва район маданият бўлими хизматчилари иштирокида бу тўйларни мутлақо ичкиликсиз ўтказдик, исрофгарчиликка йўл қўймадик. ЗАГС мудири куёв-келинларга тўй оқшоми кечасида никоҳ гувоҳномасини топширди. Маҳалламиз ҳаваскорлари кечани қизитиб беришди. Меҳмонлар бахтиёр ёшларни чин дилдан табриклашди. Уйин-кулги ниҳоясига етгач, йиғилганлар бир олам завқ ва шавқ билан уйларига тарқалишди.

«Бола азиз, одоби ундан азиз» деб номланган баҳс кечасини бугун ўтказаётганимиз ҳам бежиз эмас. Чунки ҳар бир ота-она учун фарзанд тарбиясидан муҳим иш йўқ. Ўғилқизларимизнинг одобли бўлиши аввало ўзимизга боғлиқ. Халқимизда, «қуш уясида кўрганини қилади», деган мақол бор. Шундай экан, фарзанд учун ота-она ибратидан яхши сабоқ йўқ. Ўзимиз ибратли бўлсак, шубҳасиз болаларимиз ҳам одобли бўлиб камолга етади.

Фарзандининг истиқболи, келажак бахтини ўйлаган ота-она аввало ўзида одамийлик фазилатларини тўла мужассамлаштириши керак. Ана шунда оилада қобил фарзандлар камол топади.

ТАРБИЯНИНГ МУҲИМ ВОСИТАСИ

Раҳимжон УСМОНОВ,
педагогика фанлари кандидати.

— Ҳаётимиз фаровон, турмушимиз гўзал. Шундай бахтиёр замонда яшаётган инсон ўз меҳнати гаштини сурганси, қариндош уруғлари, дўст-биродарлари билан қувончини баҳам кўргиси келади.

Совет кишилари янгилик сари интилиб бутун маънавий бойлигимизни қадрлашга, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлишга ҳаракат қилишмоқда. Биз ҳаётимиздаги шонли анъаналар билан ҳақли равишда фахрланамиз. Яқинда Тошкентда бўлиб ўтган Бутуниттифоқ семинар-кенгаши фикримизнинг далилидир.

Энг қувончли дамлардан бири — икки ёшнинг оила қуриши — никоҳ тўйидир. Маълумки, тўй тантанаси кишининг маънавий дунёси, инсоний қиёфасини ҳам ифодалайдиган ажойиб бир маросимдир. Дарҳақиқат, икки ёшни қутлагани келган меҳмонлар уларга яхши тилаклар билдириб, турмуш сабоқларидан сўзлайдилар, куёв ва келинга маълум бир мажбуриятлар юклайдилар.

Бу анъаналар жуда яхши. Лекин бу тўй маросимлари баъзида қанчалик қимматга тушаётганини, исрофгарчилик ва тартиббузарлик юз бераётганлигини кўриб, ҳайратга тушасиз. **Тўй маросимлари туфайли ўзларини кўз-кўз қиладиган, дабдабабозликка ружу қўйган кимсалар ҳам йўқ эмас. Ҳатто баъзи тўй бошқарувчилар ёшлар бахти учун одамлардан қадаҳ кўтаришни илтимос қилишади. Ажабо, инсон бахти қачондан бери қадаҳ билан ўлчанадиган бўлиб қолди?** Хўш, ана шу тўйда қатнашаётган фарзандлар катталарнинг бу қилмишини кўриб нима дейишади? Ахир «чиллаки чиллакини кўриб чумак уради»-ку. Ахир шундан кейин болаларимиздан тўйда ичмасликни қандай талаб қиламиз?

Баъзилар, хўш бу гапларнинг бола тарбиясига нима алоқаси бор, деб ўйлашлари мумкин. Жуда муҳим алоқаси бор. Фарзандлар бизнинг келажагимиз, уларни биз янгича анъаналарни онгига сингдирган ҳолда камол топдиришимиз керак.

ОДОБ—ИНСОН ЗИЙНАТИ

МЕҲНАТДАН КЕЛСА БОЙЛИК...

Назрулла МАННОПОВ,
КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг аъзоси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати.

— Меҳнат билан улғайдим, меҳнат билан камол топдим. Меҳнат туфайли турмушим чиройли бўлди, дастурхонимга қут-барака, хонадонимга файз кирди. 31 йилдан бери бир корхонада — В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида слесарь-йиғувчи бўлиб ишлайман.

Кўпинча мендан, «бахт деганда нимани тушунасиз» деб сўрашади. Бахт сўзининг маъноси жуда кенг бўлишига қарамай, мен уларга «бахт деганда меҳнатни тушунаман» деб жавоб бераман.

Олти фарзандниинг отасиман. Фарзандларимнинг ҳаммаси меҳнатда чиниқди, кейин ўқиди, олий маълумотли бўлди. Эндиликда улар ўзларининг севган касбларида ишлашиб, халқ бойлигига бойлик қўшишмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачевнинг «КПССнинг навбатдаги XXVII съездини чақириш, унга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш билан боғлиқ бўлган вазифалар тўғрисида»ги докладида шундай дейилади: **«Ҳозир ўртага қўйилган вазифаларга юзаки эмас, балки мазмунли ёндошиш ҳамда ёш авлодларни ўқитиш ва тарбиялаш, уларнинг ижтимоий фойдали меҳнатга тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш талаб этилади». Биз бугунги кунда ана шунга яна да эътиборимизни қаратмоғимиз керак.**

Ота-оналардан бир илтимосим бор. Агар улар фарзандим такасалтанг, ишёқмас бўлмасин, келажакда давлатимизнинг ажойиб ўғил-қизлари бўлиб етишсин дейишса, болаларни ёшликдан меҳнатга ўргатишсин. Чунки оғир ишга кўникма ҳосил қилмаган болага нуқул ақл-одобдан ҳикмат ўқийвериш — «бўлмаганга бўлишмаган иш».

Ёшлар тарбиясини бузадиган яна бир иллат — ичкиликбозликдир. Агар ота-она ўзи ичмаса, ёшликдан фарзанди онгига ичкиликнинг мудҳиш касофатларини сингдириб борса, ишончим комилки, бола ҳеч қачон бу «аждаҳо коми»га дучор бўлмайди.

Фарзандларимиз — келажагимиз дейминг. Бу сўз бежиз айтилмайди. Болаларимизнинг қандай одам бўлиб етишиши келажак тақдирини белгилайди. Қолаверса бўлғуси авлодию, насл-насабини ўйлаган киши мутлақо ичкиликни оғзига олмайди. Ана шунда тарбия ҳам ўз ўрнига тушади, бола ҳам соғлом ва бақувват бўлиб ўсади.

ТУРМУШ ГЎЗАЛЛИГИ ҚЎЛИМИЗДА

Қодирхўжа ФОЗИЛХЎЖАЕВ,
тарих фанлари доктори, профессор.

— Ватанимиз гўзал ва бадавлат, у маданият чўққиларини эгаллаган социалистик Ватандир. Коммунистик партия раҳбарлигида ҳар бир совет кишиси севикли Ватан қудратини ошириш учун мардонавор кураш олиб бормоқда.

Юксак ахлоқий кишиларимиз билан фахрланамиз ва уларни ардоқлаймиз. Аммо ҳаётда ўзининг ножўя ахлоқи билан совет турмуш тарзимизни бузаётган кишиларни ҳам кўриб турибмиз. Булар ҳақида ўртоқ М. С. Горбачев Ленинград партия ташкилоти активининг йиғилишидаги нутқида гапирди ва уларга қарши муросасиз курашга чақирди.

Ҳаётимиздаги ёмон нуқсонлардан бири — ичкиликбозликдир. Афсуски, ичкилик кўп



ДОНОЛАР БИСОТИДАН

● **Онла ҳаётнинг бош муддао ва мақсади болалар тарбиясидир. Болалар тарбиясининг бош мактаби эса эру хотин, ота-онасининг ўзаро муносабатидир.**

В. А. СУХОМЛИНСКИЙ.

● **Тарбия санъатининг ўзига хос хусусияти шундаки, у деярли ҳаммага таниш ва тушунарли, баъзи бировларга — ҳатто осондек туюлади, киши тарбия санъати билан назарий ёки амалий жиҳатдан қанчалик кам таниш бўлса, унга бу шу қадар тушунарли ва осондек бўлиб кўринаверади.**

К. Д. УШИНСКИЙ.

● **Болалар эртанги кунимизнинг ҳакамлари, қарашларимиз, ишларимизнинг муҳаққиқларидир, улар янги турмуш формаларини бунёд этиш учун улуғ ишларга чоғланиб, дунёга келган кишилардир.**

М. ГОРЬКИЙ.



онлаларга ҳам кириб келди. Айрим ҳолларда эса биз томошабин ролини ўйнаб қоляпмиз. Ичкиликдан азоб чекаётган оталар ва болаларни кўз олдимизга келтирайлик. Улуғ ватандошимиз Абу Али ибн Синонинг сўзларига қулоқ солайлик. «Мунтазам ичиш зарарлидир, у жигар ва мия фаолиятини бузади, асабни бўшаштириб, асаб касаллиги ва бевақт ўлимга олиб келади». Биз буни яхши англамоғимиз ва ичкиликка қарши қатъий курашмоғимиз, айниқса тўйларда, ҳар хил зиёфатларда, чойхоналарда ичкилик бўлишига йўл қўймаслигимиз керак.

Яна бир иллат устида гапирмоқчи эдим. Бу — бекорчилик ҳақида. Айрим оилаларда бекорчилар бор. Айни замонда биэга минглаб ишчи кучи етишмайди. Биласизки, бекорчи ҳаётга одатланиш инсон учун оғир қулфатдир. Улуғ рус саркардаси Суворов «ҳамма ёмонликнинг илдизи — бекорчиликда» деб бекор айтмаган эди. **Иш вақтида чойхоналарда сафсата сотиш, кўчама-кўча юриб ғийбат ташиш, одамларни ишдан қолдириш том маънодаги жиноятдир.** Биз бекорчиларни фойдали меҳнатга тортмоғимиз керак!

АГАР АЁЛ ОҚИЛА БЎЛСА...

Ойшахон ТЎРАЕВА,
педагогика фанлари кандидати, доцент.

— **Умримда ичкиликнинг мазасини татиб кўрмаганман. Баъзилар айтгандек, унинг «ширин сархушлигидан» баҳраманд ҳам бўлмаганман. Шунинг учун бўлса керак, ичкилик ичган аёлларни жонимдан ёмон кўраман.**

Яқинда бир тўйда бўлдим. Даврада эркаклардан тортиб, қиз-жувонларгача бор. Дастурхонлар ноз-неъматлару, турли-туман ичкиликлар билан тўлиб-тошган. Кеча бошланиши билан шишаларнинг оғзи очилди, келинкуёв соғлиғи учун қадаҳлар кўтарилди. Баъзи аёлларимизнинг ичкилик ичишдаги баднафслиги мени ҳайратга солди. Улар устидаги яроқиқли либослар, аёллик ҳуснигаҳуси қўшган қўл ва бўйниларидаги тилла тақинчоқлар ҳам кўзимга хунук кўриниб кетди. Ўртадан жой олган тўладан келган жувон ён атрофдаги аёлларга соқийлик қилар, уларни ичишга ундар, икки гапнинг бирида: «Ҳадеб эркаклар ичаверадими, ҳуқуқимиз бир бўлгандан кейин биз ҳам бир маза қилиб ичиб олайлик», дерди. Ҳуқуқини тушуниб олган бу аёлнинг қилиғи баттар энсамни қотирди. Кўп ўтмай ичкилик ўз кучини кўрсатди. Аёл эўр-баъэўр ўрнидан туриб, рақсга тушиб кетди. Унинг ғалати муқомлари йигитларга ёқиб тушди шекилли, улар қийқириб юборишди. Эркаклар нигоҳидан «уялган раққоса» қоқилиб йиқилишига сал қолди. Эркаклар уни кўлидан тутиб жойига ўтказиб қўйишди.

Бу тасодифий воқеа мени узоқ ўйлантириб қўйди. Балки ўша аёлнинг яхши оиласи, болалари бордир. Хўш, шу куни у уйга қандай бораркин? Эри ва болалари кўзига қандай кўринаркин? Онасининг мастлигидан фарзандлар қандай «ибрат» оларкин?

Онлам яхши, фарзандларим одобли бўлсин, деган аёл ичкиликка яқин юрмасин. Акс ҳолда ўзининг ҳам, болаларининг ҳам бахтига зомин бўлиши турган гап. Қолаверса, аёл иффати деган муқаддас гап ҳам бор. Оғзидан ичкилик ҳиди анқиб турган аёлда иффат-у, нафосатдан асар қолармиди? «Онасини кўриб, қизини ол...» деган сўз ҳам бежиз айтилмаган-ку, ахир!

Аёл — она. У оиланинг боши. Болалар камоли аввало аёлларимизга боғлиқ. Агар аёл оқила ва тадбиркор бўлса, оилада тинчлик, фаровонлик бўлиши муқаррар.

ФАРЗАНДИМ—АСАЛ-ҚАНДИМ

Аъзамхон РУСТАМОВ,
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи, СССР халқ маорифи аълочиси.

— **Мендан «ким бахтли» деб сўрашса, шубҳасиз эрталаб — ишга, кечқурун — уйга шошилган киши бахтли, деб жавоб берардим.** Чунки ҳамиша ишу, оила ташвиши билан яшаган эр-хотиннинг фарзандлари ҳам «уясида кўрганини қилиши» аниқ. Демак, бу оилада ўсган бола ўз ота-онасидек ёшликдан ишга меҳр қўяди, оиласига садоқатли бўлади.

Ота-онани улуғлайдиган ҳам, обрўсини бир чақа қиладиган ҳам фарзанд. Меҳр-оқибатли бола ота-она умрига умр қўшади. Акс ҳолда уни муддатидан илгари ерга киргазади.

Баъзи оталар ҳам борки, оиладаги барча нуқсон, фарзандларидаги барча қусурларни фақат хотинларидан кўришади, ўзларини ҳамиша оқлашади. Инсоф юзасидан айтганда, бу ўтакетган адолатсизлик. Бундай оталарга қарата:

«Болани бузган онаси деб ўзингиэни оқламанг.

Ота бўлиб бегонадек таъна тоши ташламанг», дегинг келади.

Яқинда ўрта ёшлардаги бир одам билан суҳбатлашиб қолдим. Бу киши олдинлари ичаркан. Ичкиликни ташлаганига 10 йил бўлибди. У гапира туриб ҳаяжонланар, баъзан кўзи ёшланарди. Мен ҳамсуҳбатимнинг юрагида қандайдир бир алам борлигини сездим....

— Эй отахон, ҳаётимда бир янглишганман. Бунинг оқибати ҳамон қалбимни ўртаб келади. Кечқурун ишдан чарчаб чиқардик. Кейин 3—4 та улфатлар билан пивохўрликка жўнардик. Енгинамизда магазин бор эди. Ундан 2 кишига битта шиша ароқ олиб, пиво билан қўшиб ичардик. Ҳар куни аҳвол шу эди. Шундай кунларнинг бирида хотинимнинг кўзи ёриди. Биринчи фарзанд ширин бўлади. Туғруқхонага югурдим, уйга чопдим. Келинингизни уйга олиб келгунча шу аҳвол давом этаверди. Боламиз улғая бошлади. Кўп ўтмай ундаги нуқсонларни сезиб қолдик. Бормаган врачимиз қолмади десам, ишонинг. Уларнинг ҳаммаси боладаги бу нуқсонлар фақат ичкилик таъсиридан келиб чиққанлигини айтишди. Ўғлим ҳозир 11 ёшга тўлди. Лекин, гапира олмайди, юра олмайди. Менга нажот истаб термулгани-термулган. Шундай кезларда баттар эзиламан. Ичкиликни ичичимдан лаънатлайман, қарғайман.

Мана ичкиликнинг оқибати. Соғлом фарзанд тарбиялайман деган ота-она ичкилик билан асло «ошно», бўлмасин.

ПОКЛИК ВА ҲАЛОЛЛИККА НИМА ЕТСИН

Худойберди ТЎХТАБОЕВ,
ёзувчи.

— 1972 йил эди ўшанда. Белоруссиянинг Бродно шаҳрида болалар адабиёти ҳафталиги ўтарди. Мен ҳам шу ҳафталикда қатнашиш шарафига муяссар бўлган эдим. Ўшанда болалар ота-оналар билан бирга бўлишди. Бу онлавий ҳамкорлик мени қизиқтириб қолди. Бунинг асосий моҳияти шундаки, биринчидан, бола яхши билмаган нарсасини ота-онасидан сўраб олади. Иккинчидан эса, уларга меҳр-оқибати ортади. Қолаверса, бола ўз билганича иш тутмайди. Чунки унинг ҳар бир қадамидан катталар бохабар. Қани эди, ҳамма жойда ҳам шундай бўлса? Фарзанд ва ота-она ўртасида ҳамиша яқинлик сезилиб турса.

Кўпинча поклик ва ҳалоллик ҳақида сўз юритамиз. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки поклик ва ҳалоллик бор жойда тарбия ҳам юксак бўлади. Бола ақл-одобни катталардан ўрганади. Ҳар бир босилган ножўя қадам улар характерига салбий хусусиятларни олиб киради.

Энди айтинг, олдинлари аёлларимиз гап-гаштак қилишганми, пиёлаларни бир-бирига чўқиштириб ичкилик ичишганми? Ахир ўша хонадонда ҳам фарзандлар ўсаяпти-ку. Улар оналаридаги бу «эркак»ликни кўриб нима дейишади? Қандай хаёлларга боришади?

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми бизни турмушимизнинг ҳамма соҳаларини жамиятимиз табиатига ёт ҳодисалардан тозалашга, социалистик қонунчиликни, партия, давлат ва меҳнат интизомини мустаҳкамлашга даъват этди. Ундаги қуйидаги сўзлар жуда ўринли: **«Афсуски, идеология ишини ташкил этишда ҳали ҳам дабдабали тадбирлар, ҳаддан ташқари кўп, буржуа идеологиясига ва ахлоқига қарши, одамлар онги ва феъл-атворидаги реакцион сарқитларга қарши, истеъмолчилик психологиясига, қолоқ урф-одатларга ва анъаналарга, ҳаддан ортиқ ҳашамдор тўй-томошаларга ва маъракаларга қарши курашдаги ҳужумкорлик ва таъсирчанлик бўшаштирибб юборилган».**

Бизда маросимлар, урф-одатлар кўп. Лекин арзимас маросимни ўтказиш учун катта қозонни тўлдириб ош дамлаб, 600—700 киши даврага чорланганми? Хўш, буни ким қиляпти? Оддий ишчи, қўл кучи билан кун кечирувчи киши қила оладими? Йўқ, албатта. Бунақа «жасоратга» журъат этадиган сиз билан бизнинг чўнтагимизга кўз тиккан, нонимизни «туя» қилаётган юлғич кишилар эмасми? Энди шу оилада камол топаётган болаларга поклик ва ҳалоллик ҳақида гапириб бўладими? Агар ота-онанинг ўзи ибрати бўлмаса, ҳар қанча уринган билан тарбияда самарадорликка эришиб бўлмайди.

Энг сўнгги гап, вақтни қадрлайлик, дўстлар. Инсонга энг қисқа умр берилган. Ҳар дақиқамиз ўлчовли. Шундай экан, ўша ғанимат дамлардан унумли фойдаланайлик. Фарзандларимизга ҳам шуни уқдирайлик.

Тошкент Давлат университети профессори А. Ҳамидхўжаев, район маданият бўлимининг мудири М. Жаъфаров, қўшиқчи шоир Пўлат Мўмин ва жамоатчилик вакиллари ҳам баҳс кечасида ўз қимматли фикр ва мулоҳазаларини билдиришди.

Атрофга оқшом чўкди. Кеча тугади. Район пионерлари йиғилганларни қутлашади. Болалик, Ватан, бахт ҳақидаги шеър ва қўшиқлар янграйди. Ҳеч ким сўлим жойни тарк этгиси келмайди. Кишилар руҳидаги тетиклик, яхши кайфият уларнинг гулгун чеҳраларидан шундоққина кўриниб турибди. Даврага санъаткорлар тушишди, қўшиқ-қўшиққа уланди. Жонкулоғи билан қўшиқ тинглаётган бахтиёр аёлу-эркаклар шивалаб ёғаётган ёмғирга ҳам заррача эътибор беришмасди. Давра қизигандан қизиб борарди...

Р. ФАЙЗУЛЛАЕВ,
М. КОМИЛЖОНОВ.





СУРАТЛАРДА: Акмал Икромов районидаги «Иқтисод» маҳалласида болалар одоби, янгича анъаналарни кенг қулоч ёйдиришга ва ичкиликбозликни бартараф этишга бағишланган йиғилиш қатнашчилари.

Т. Каримов фотолари.

Редактор Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ.

3 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ

31 МАЙ, 1985 й.

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОЦИАЛ ТАЪМИНОТ БЎЛИМИНИНГ ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1985-1986 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ҳунар-техника билим юрти қуйидаги мутахассисларни тайёрлайди: ПРИЕМНИК ВА ТЕЛЕВИЗОРЛАРНИ РЕМОНТ ҚИЛУВЧИ МЕХАНИК, ПОЙАФЗАЛЧИ, СЕКРЕТАРЬ-МАШИНИСТКА, ТИКУВЧИ, ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ТАРМОҚЛАРИДА ВА СОЦИАЛ ТАЪМИНОТ СОҲАСИДА ИШЛАШ УЧУН БУХГАЛТЕР, ТЎҚУВЧИ.

Ўқиш муддати — 10 ой.

Ўқишга ёши 16 дан 45 гача бўлган инвалидлар, шунингдек, ёши 16 дан 20 гача бўлган инвалидларнинг фарзандлари ҳамда боқувчисини йўқотган оилаларнинг шу ёшдаги аъзолари қабул қилинади.

Ўқувчилар 30 сўм миқдорида стипендия билан таъминланадилар.

Аризага қуйидаги ҳужжатларни қўшиб топшириш лозим: маълумоти ҳақида ҳужжат, туғилганлиги ҳақида гувоҳнома, турар жойидан справка, шаҳар ёки район социал таъминот бўлимининг йўлланмаси, саломатлиги ҳақида 286-формали справка, (инвалидлар ВТЭК справкасига меҳнат тавсияномасини илова қиладилар), 2 дона фотосурат.

Ўқувчилар ётоқхона билан таъмин этилмайди.

Ҳужжатлар якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача; шанба куни соат 9.00 дан 15.00 гача қабул қилинади.

ЎҚИШ 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Ўқчи кўчаси, 107-А уй, 5-корпус, Пеньков тупиги (2, 7, 14-троллейбусларнинг «76-мактаб» бекати, метронинг «Халқлар дўстлиги» станцияси (Кино уйи ёнида).

ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛИ ТУРКИСТОН ҲАРБИЙ ОКРУГИ САВДО БОШҚАРМАСИНИНГ

ТОШКЕНТ ҲУНАР САВДО-КУЛИНАРИЯ БИЛИМ ЮРТИ

1985-1986 ўқув йили учун

БУХГАЛТЕРИЯ БЎЛИМИГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати — 1 йил.

Ўқиш рус тилида олиб борилади.

Билим юртига 17 дан 20 ёшгача бўлган ўрта маълумотли кишилар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинадилар.

Ўқишга қабул қилинганларга 70 сўм стипендия тўланади.

Ўқиш даври меҳнат стажига киради. Бошқа шаҳарлардан келганларга ётоқхонадан жой берилади.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилади: директор номига ариза, аттестат (асли нусхаси), яшаш жойидан справка, медицина справкаси (286-форма), автобиография, 6 дона фотосурат (3х4 см.), характеристика.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Хўжанд кўчаси, 12-уй (97-автобус; 3, 11-троллейбуслар; 7, 8, 10, 11, 13, 22, 25-трамвайларнинг «Марказий бозор» бекати).

16-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги соҳасидаги мутахассислар тайёрлаш бўйича

1985—1986 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

8-синф ҳажмидаги маълумотга эга бўлганлар 3 йиллик ўқишга қуйидаги касблар бўйича қабул қилинадилар: ЭЛЕКТРОМОНТАЖЧИ, ЭЛЕКТРОПАЙВАНДЧИ, ИССИҚЛИК АСБОБ-УСКУНАЛАРИНИНГ РЕМОНТИ ВА ЭКСПЛУАТАЦИЯСИ БЎЙИЧА ЭЛЕКТРОМОНТЕР, ИССИҚЛИК АСБОБ-УСКУНАЛАРИ БЎЙИЧА СЛЕСАРЬ, КОНТРОЛЬ-ЎЛЧОВ АСБОБЛАРИНИ РЕМОНТ ҚИЛУВЧИ СЛЕСАРЬ, БУҒ ҚОЗОНИ ВА ТУРБИНА МАШИНИСТЛАРИ, ХИМИЯВИЙ АНАЛИЗ БЎЙИЧА ЛАБОРАНТЛАР.

Ўқувчилар 3 маҳал иссиқ овқат, кийим-бош, ишлаб чиқариш практикаси даврида пул мукофоти билан таъминланадилар.

Билим юртини тугатганларга ўқувчининг касби ва ўрта маълумот олганлиги тўғрисида диплом берилади.

Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганларга олий ўқув юртларига йўлланма берилади.

Шунингдек, ўрта маълумотга эга бўлганлар ва Совет Армияси сафларидан запасга бўшаганлар бир йиллик муддат билан қуйидаги касблар бўйича ўқишга қабул қилинадилар: электромонтажчи, электропайвандчи, контроль-ўлчов асбобларини ремонт қилувчи слесарь, иссиқлик асбоб-ускуналарини созловчи слесарь, буғ қозони ва турбина машинистлари, химия анализи бўйича лаборантлар.

Ўрта маълумот ҳажмида қабул қилинган ўқувчиларга ойига 30 сўм миқдорда стипендия берилади. Билим юртида барча шарт-шароитлар мавжуд, бадиий ҳаваскорлик тўгараги, спорт секциялари, кўргазмали қуроллар билан жиҳозланган ўқув кабинетлари, замонавий ётоқхона ўқувчилар хизматида бўлади.

Барча ўқувчилар ишлаб-чиқариш практикаси даврида иш ҳақининг 50 процента билан мукофотланадилар.

Билим юртини имтиёзли диплом билан тугатганлар олий ўқув юртларига киришда имтиёзларга эга бўладилар.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза, маълумоти тўғрисида ҳужжат, медицина справкаси (086/У форма), турар жойидан справка 4 дона фотосурат (3х4 см), туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома (паспорт) ва ҳарбий билет.

Қабул комиссияси якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача ишлайди.

Тошкент шаҳрида яшовчи ўқувчиларга махсус автобуслар хизмат кўрсатади.

Бизнинг адрес: 701169, Тошкент область, Оржоникидзе райони, «ТашГРЭС» посёлкаси: 156, 165 ва «Қибрай-Олой бозори» автобусларининг «ТашГРЭС» посёлкаси» бекати. Телефонлар: 62-12-16, 62-12-51, қўшимча телефонлар 6-12, 3-18, 6-26.

ЛЕНИН РАЙПИШЧЕТОРГИНИНГ

«ГУЛЧЕҲРА» МАКТАБ-МАГАЗИНИДА

ОЛТИ ОЙДА КАСБ ЎРГАНАСИЗ

ШКОЛА-МАГАЗИН



ОЛТИ ОЙДА ОЗИҚ-ОВҚАТ МОЛЛАРИ СОТУВЧИСИ КАСБИНИ ЎРГАНАСИЗ.

МАКТАБ-МАГАЗИНГА ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛУВЧИ 16-26 ЁШЛИ 8-10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ЁШЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Мактаб-магазинда ойига 52-63 сўм стипендия берилади.

Ўқиш муддати — меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

РАЙПИШЧЕТОРГНИНГ КАДРЛАР БЎЛИМИГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН: Тошкент шаҳри, Привокзальная кўчаси, 32-уй (1, 2, 5, 8, 9, 10, 24-трамвайларнинг «Будённий» кўчаси бекати); ёки МАКТАБ-МАГАЗИНГА — Тошкент шаҳри, Фоменко кўчаси, (1, 5, 26-трамвайларнинг «Фоменко кўчаси» бекати). Телефон 91-10-03.

ЛЕНИН РАЙПИШЧЕТОРГИ.

ИСТАЛГАН БУЮМНИ КРЕДИТГА СОТИБ ОЛИШ МУМКИН

ТОШКЕНТ БОШ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИНИ



ҚУЙИДАГИ МОЛЛАРНИ КРЕДИТГА СОТИБ ОЛИШНИ ТАВСИЯ ҚИЛАДИ:

ГИЛАМЛАР — Хива корхонасида тўқилган, шунингдек мамлакатимизда ва чет элларда қўлда тўқилган гиламлар;

БАРЧА МАРКАДАГИ РАДИОПРИЕМНИКЛАР, шу жумладан ТРАНЗИСТОРЛАР; рангли ва оқ-қора тасвирли телевизорлар.

барча маркадаги фотоаппаратлар;

электропроигрывателлар ва магнитофонлар;

баҳоси 80 сўмдан юқори бўлган музика чолғу-асбоблари;

фотообъективлар; кинопроекторлар, киносуратга олиш аппаратлари;

барча маркадаги пианинолар («Рига», «Циммерман», «Красний Октябрь» маркаларидан ташқари);

кондиционерлар;

барча маркадаги холодильниклар («Зил» ва «Минск»дан ташқари);

баҳоси 35 сўмдан ортиқ бўлган эркаклар ва хотин-қизлар пойафзаллари;

исталган баҳодаги эркаклар костюмлари ва пальтолари;

хотин-қизлар пальтолари;

табиий қорақўлдан тикилган пальтолар;

соатлар, шимлар, қандиллар, ёзув машинкалари, микрокалькуляторлар;

Кредитга сотиб олинадиган буюмларни расмийлаштириш тартиби билан универмагнинг 2-қаватидаги кредит бўлимида танишиш мумкин. Телефон 42-27-61.

Кредит бўлими ҳар куни соат 9 дан 19.00 гача дам олиш кунисиз ишлайди.

Бош универсал магазинга қуйидаги транспорт воситалари билан борилади. 28 э, 35, 43 э, 59, 76, 64 э, 11 э-автобуслар, 7, 8, 11, 15, 16 трамвайлар; 8, 18-троллейбуслар.

ГУМ (телефон 42-27-39).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-27).

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ГОСКОМТРУД УЗССР

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ПАССАЖИР АВТОТРАНСПОРТИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БОШ БОШҚАРМАСИГА

автобус паркларига линия контролёрлари ва кондукторлари.

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»нинг

1-УЙСОЗЛИК КОМБИНАТИГА

монтажчилар, бетончилар, сувоқчилар, бўёқчилар.

Ёлғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар.

ЧИЛОНЗОР РАЙОНИДАГИ МОНТАЖ ТАШКИЛОТЛАРИГА

электромонтажчилар, ҳайдовчилар, автослесарлар, кассир-инкассатор, фаррошлар, катта прораблар, мастерлар, прораблар, ишлаб чиқаришни тайёрлаш группаси катта инженерлари.

ТОШКЕНТ ТРАКТОР ЗАВОДИГА

электр пайвандчилар, газ пайвандчилар, штамповкачилар, прессловчилар, темирчи штамповкачилар, токарлар, фрезерчилар, сайқал берувчилар, слесарь-асбобсозлар, механика-йиғув ишлари бўйича слесарлар, слесарь-ремонтчилар, слесарь-сантехниклар, слесарь-созловчилар, бурғуловчилар, чархловчилар, электрчилар, кранчилар, пўлат қуювчилар, буғ қозонларининг операторлари, автоматик қолиплаш линняси операторлари, стерженчилар, компрессор станцияларининг машинистлари, ёрдамчи ишчилар.

Ёлғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар.

«ЖИЛСТРОЙ» ТРЕСТИНИНГ

«ТАШМОССТРОЙ» ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИГА

бўёқчилар, дурадгорлар.

СПРАВКАЛАР ВА ИШГА ЙЎЛЛАНМАЛАР ОЛИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН:

МАРКАЗИЙ ПУНКТ — Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона;

ЛЕНИН РАЙОН ПУНКТИ — Т. Шевченко кўчаси, 64-уй;

ОКТЯБРЬ РАЙОН ПУНКТИ — У. Юсупов кўчаси, 3-уй;

ЧИЛОНЗОР РАЙОН ПУНКТИ— 2-квартал, 3-уй;

ҲАМЗА РАЙОН ПУНКТИ — М. Ҳасанова кўчаси, 10-уй;

КУЙБИШЕВ РАЙОН ПУНКТИ —К. Маркс кўчаси, 59-уй;

КИРОВ РАЙОН ПУНКТИ — Энгельс кўчаси, 48-уй;

СОБИР РАҲИМОВ РАЙОН ПУНКТИ — Қорасарой кўчаси, 270-уй;

АКМАЛ ИКРОМОВ РАЙОН ПУНКТИ —Чилонзор массиви, 22-квартал, 13-уй;

СЕРГЕЛИ РАЙОН ПУНКТИ — 2-квартал, 69-уй.

ТОШКЕНТ ОТЧОПАРИДА

ҲАР ЯКШАНБА КУНИ СОАТ 11.00 ДА

ПОЙГА ВА УЛОҚ



ПРОГРАММАДА: анъанавий ва машҳур спортчилар номидаги мукофотлар учун мусобақа.

ОТЧОПАРДА ТУРЛИ КЎНГИЛОЧАР АТТРАКЦИОНЛАР ИШЛАБ ТУРИБДИ.

Мусобақаларда Ўзбекистон, Қозоғистон ва РСФСР колхозлари, совхозлари ва от заводларининг энг яхши отлари қатнашади.

От-спорт лотереяси (тотализатор) ўйналади.

Салқин ичимликлар билан савдо қилувчи буфетлар от спорти ишқибозлари хизматида бўлади.

«БЕГА» ресторанининг эшиклари кун бўйи очиқ.

Отчопарда отда сайр қилиш учун уларни прокатга олиш пункти бутун йил бўйи ишлаб турибди.

АҲОЛИДАН ТЎЙ ТАНТАНАЛАРИНИ ЎТКАЗИШ УЧУН РУС ТРОЙКАЛАРИГА БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Отчопарга кириш бепул.

АДРЕС: Тошкент шаҳар, Халқлар дўстлиги проспекти («Собир Раҳимов» метро станцияси 153, 172, 173 178, 180-авто. бусларнинг «Ипподром» бекати). Телефонлар: 76-76-28, 76-75-47.

театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 31/V да **Концерт**, 1/VI да **Пиковая дама**, 2/VI да **Дон Кихот**, 4/VI да **Майсаранинг ниши**.

цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **СССР халқ артисти Оскал-Оол раҳбарлигидаги совет цирки усталарининг томошалари** (31/V да 19.30 да, 1/VI да 16, 19.30 да; 2/VI да 12, 15, 18.00 да).

кино

1 ИЮНДА БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«СИР САҚЛАГАН ОДАМ» — **Санъат саройи** (катта зал, 18.30, 20.45, кичик зал, 17, 19.30; Телефон 44-21-34), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (18.30, 21.30; Телефон 78-47-25), **ВЛКСМ 30 йиллиги** (18.15, 20.30; Телефон 33-44-52), **Тинчлик** (18.30, 21.00), **Қозоғистон** (17, 18, 20, 21.00; Телефон 35-24-92).

«МУҲРЛАНМАГАН ЮК» — **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 77-06-02), **Москва** (жуфт соатларда; Телефон 33-05-01).

«ҚОРА КАЛХАТ» — **Мир** (тоқ соатларда).

«ОҚ ҚОПЛОН АВЛОДИ» — **К. Ерматов номли** (жуфт соатларда).

«ТУТСИ» — **Фестиваль** (21.30; Телефон 32-78-02).

«ОППОҚ ШУДРИНГЛАР» — **Искра** (18, 20.00; Телефон 39-14-59).

«ТАҚДИР ҲОКИМИ» — **Лисунов номли** (17, 20.00; Телефон 96-34-02).

«ДИСКО РАҚҚОСИ» — **С. Раҳимов номли** (18.30, 21.00; Телефон 48-46-71).

2 ИЮНДА БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«СИР САҚЛАГАН ОДАМ» — **Санъат саройи** (катта зал, 11, 13.30, 16, 18.30, 20.45, кичик зал, 12, 14.30, 17, 19.30; Телефон 44-21-34), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.30; Телефон 78-47-25), **ВЛКСМ 30 йиллиги** (11, 13.15, 16, 18.15, 20.30; Телефон 33-44-52), **Тинчлик** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00), **Қозоғистон** (11, 12, 14, 15, 17, 18, 20, 21.00; Телефон 35-24-92).

«МУҲРЛАНМАГАН ЮК» — **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 77-06-02), **Москва** (жуфт соатларда; Телефон 33-05-01).

«ҚОРА КАЛХАТ» — **Мир** (тоқ соатларда).

«ОҚ ҚОПЛОН АВЛОДИ» — **К. Ерматов номли** (жуфт соатларда).

«ТУТСИ» — **Фестиваль** (21.30; Телефон 32-78-02).

«ОППОҚ ШУДРИНГЛАР» — **Искра** (14, 16, 18, 20.00; Телефон 39-14-59).

«ТАҚДИР ҲОКИМИ» — **Лисунов номли** (11, 14, 17, 20.00; Телефон 96-34-02).

«ДИСКО РАҚҚОСИ» — **С. Раҳимов номли** (11, 13.30, 16, 18.30; 21.00; Телефон 48-46-71).

«УЗГОСЭНЕРГОНАДЗОР», САНОАТ ЭНЕРГЕТИКАСИ СЕКЦИЯСИ, ЭНЕРГЕТИКА ВА ЭЛЕКТРОТЕХНИКА САНОАТИ РЕСПУБЛИКА ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ НТО ПРАВЛЕНИЕСИ, ТОШКЕНТ ТЕХНИКА УЙИ

6 ИЮНЬ СОАТ 11.00 ДА электр ва иссиқлик энергиясидан самарали фойдаланиш масаласи бўйича министрликлар, идоралар ва Тошкент шаҳар ҳамда Тошкент областидаги катта ҳажмда энергия истеъмол қилувчи саноат корхоналари бош энергетикларининг

КЕНГАШИНИ ЎТКАЗАДИ

Адрес: Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 48-уй, Тошкент техника уйи. Справкалар учун телефонлар: 33-11-18, 33-95-41.

Тошкент шаҳар Киров районидаги 63-ўрта мактаб томонидан **Қодирова Карима Қорабоевна** номига берилган 286400 номерли йўқолган ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Республика кинофильмлар прокати конторасн коллективи катта инженер **Мирзоир Аҳмедович МИРАЗИЗОВнинг** вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

ТВ

ЖУМА

31 МАЙ

● МТ I

18.30 «Ҳозирги давр ва ишчилар ҳаракати».
19.00 «Қувноқ нотачалар».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Тугмачча». Катталар учун мультфильм.
19.40 «Инсон ва қонун».
20.10 СССР Давлат мукофотининг лауреати шоир М. Матусовскийнинг авторлик кечаси.
21.30 «Время».
22.05 М. Матусовский авторлик кечасининг давоми.
23.15 «Дунё воқеалари».

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.45 Бокс бўйича Европа чемпионати. Венгриядан олиб кўрсатилади.
19.15 «Юз йиллар оша кўприклар». Ҳужжатли фильм.
19.25 В. Репин чалади (скрипка).
20.00 «Онамларнинг мактаби».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 Ритмик гимнастика.
21.15 «Бекажон». Телефильм (Тошкент).
21.30 «Время».
22.05 «Коломба». Телевизион бадиий фильм (Италия). 3-серия.
23.00 Сув полоси бўйича халқаро турнир. СССР — Куба терма командалари. Тбилисидан олиб кўрсатилади.

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Биз — 80-йиллар комсомоллари».
18.40 «Рус тили — армия хизматига чақирилувчиларга».
19.00 КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олайлик! «Тўқувчилар». Тошкент тўқимачилик комбинати коллективи вакиллари билан учрашув (рус.).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 Адабий театр. Э. Воҳидов. «Исён».
20.30 «Ахборот».
20.50 Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси мақомчилар ансамбли солистларининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Дунё воқеалари».
22.35 «Кино оламида».
23.35 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.10 Ўзбек совет адабиёти. Абдулла Орипов (рус.).
18.50 «Классик куй саҳифалари».
19.40 «Бир пациент кўзи билан». Ҳужжатли фильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 Н. Тихонов. «Йиллар ва йўллар». Адабий кўрсатув.
21.05 «Алкоголизмга қарши кураш — умумхалқ иши».

ШАНБА

1 ИЮНЬ

ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик».
10.10 Бокс бўйича Европа чемпионати. Венгриядан олиб кўрсатилади.
11.10 «Поэзия». О. Фокина.
11.40 «Ёдингдами, ўртоқ...»
12.40 Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига. «Москвичка» телеклуби.
14.05 «Камалак» халқ ижодиёти телепрограммаларининг VI Халқаро фестивали. «Халқ костюмлари» (Ирок).
14.35 «Оила ва мактаб». Тележурнал.
15.05 «Дунё воқеалари».
15.20 «Дўстим Суқротжон». Болалар учун телевизион бадиий фильм премьераси.
16.25 «Мўъжизасиз-мўъжизалар».
17.25 «Ҳамдўстлик» тележурнали.
17.55 «Усимликлар олами».
18.40 Сиёсий шарҳловчи А. З. Ивашченко суҳбати.
19.10 «Бизга дунёни асраб қолиш васият қилинган». Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган социалистик мамлакатлар бадиий ҳаваскорлик ижодиётининг III фестивали.
20.15 «Том Сойер ва Гекльберри Финн саргузаштлари». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия.
21.30 «Время».
22.05 Бокс бўйича Европа чемпионати. Венгриядан олиб кўрсатилади.
23.20 Тото Кутуньо куйлайди (Италия).
00.05 Янгиликлар.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Агар соғлом бўлай десанг».
9.30 Телефильмлар.
10.00 ГОРЬКИЙ ТЕЛЕСТУДИЯСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.
11.00 «Тонгги почта».
11.30 «Саёҳатчилар клуби».
12.30 «Кинопанорама».
14.10 «Кўғирчоқ билан аллалаш». Телефильм премьераси.
14.30 «Телевидение совриниэ» учун мўлжалга олиш спорти бўйича мусобақалар.
15.00 СССРда ВЬЕТНАМ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТИ КУНЛАРИНИНГ ЁПИЛИШИ. Тошкентдан олиб кўрсатилади.
16.00 «Халқаро обзор».
16.15 Москва. Консерваториянинг Катта залн. Ф. Шопен, Ф. Лист, С. Рахманинов асарлари.
17.45 «Ўрмон сайёҳлари». Мультфильм.
18.05 С. М. Киров номли Ленинград Давлат академик опера ва балет театри балет артистларининг концерти.
19.00 Сув полоси бўйича халқаро турнир. СССР—Венгрия терма командалари. Тбилисидан олиб кўрсатилади.
19.30 «Дўстлар». Мультфильм.
19.45 «Здоровье».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 Концерт.
21.00 «Бир севги тарихи». Телефильм премьераси.
21.30 «Время».
22.05 «Дугонажоним». Телевизион бадиий фильм премьераси.
23.20 Академик эшкак эшиш бўйича «Катта Москва регатаси» халқаро мусобақалар.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.25 «Сайёрамиз эртаси». Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган кинокўрсатув.
11.15 «Енар тоғ хазинаси». Бадиий фильм.
12.35 «Оналар мактаби».
13.05 «Спорт кинопанорамаси».
18.15 Кўрсатувлар программаси.
18.20 «Айиқча». «Бир аломат дўстлик тарихи». Мультфильмлар.
18.40 Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига. «Биз — жаҳон болалари».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Салом, фестиваль!» Москвада бўладиган ёшлар ва студентларнинг XII Жаҳон фестивали олдидан.
20.30 «Ахборот».
20.50 М. Турғунбоева номидаги хизмат кўрсатган Давлат «Баҳор» рақс ансамбли иштирокида жаҳон халқларининг рақслари.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Чорвачилик — зарбдор фронт».
22.25 «Офицерлар вальси». Бадиий фильм («Туркменфильм», рус.).
23.45 Кўрсатувлар программаси.

● ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

---

4 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ

31 МАЙ, 1985 й.



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»)

—орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и Ташгорсовета.

(Газета бир йилда 300 марта чиқади).

БИЗНИНГ АДРЕС:

700047, ТОШКЕНТ ШАҲРИ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 33-08-74; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-55-39; Совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат —32-56-81; ахборот —33-28-95; спорт ва ҳарбий ватанпарварлик ишлари— 32-55-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 33-81-42.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Индекс 64690. Б-2015. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.

Р —13784.